O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **8** декабрь, жума № **49** (2176).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **8** декабря, **2006** год, № **49** (2176).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улуғ мақсадни қўйдик.

Ислом КАРИМОВ

ЮРТИМИЗДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг – демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимизнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Элим деб, юртим деб яшайди мардлар!

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн тўрт йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни эътироф этишимиз лозим.

Яъни, биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Биз бугун изчиллик билан амалга ошираётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўли ва бу йўлнинг асосий қонунчилик негизлари ҳақида гапирганда, бамисоли тоғдай таянч бўладиган иккита мезон-мақсадни ўзимизга яққол тасаввур қиламиз.

Биринчиси – юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётимизни қуриш.

Иккинчиси – қадимий ва бой тарихимиз, қадриятларимиз, ота-боболаримиз азалдан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дину диёнатимиз, урф-одат, удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзлигимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу аснода тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш.

Мана шу иккита йўналиш – замон талаб қиладиган демократик принциплар ва миллий хусусиятларимиз-қадриятларимизни ўзаро уйғун тарзда бирлаштиришдек ўта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифани рўёбга чиқариш, қатъият ва изчиллик билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш – булар биз танлаган йўлни белгилаб бераётган асосий омиллари ва шарти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч кимга сир эмас – биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, албатта. Унинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, боринги, қандай зўравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида таклиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак ва иқрор бўлиши даркор.

Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт моделини ишлаб чиқишда инқилобий сакрашлар йўлини эмас, аксинча, тадрижий йўлни, имкон қадар ҳеч кимнинг бурнини қонатмайдиган, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танладик.

Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улуғ мақсадни қўйдик. Эҳтимол, бу ўша пайтда кимларгадир баландпарвоз ёки афсонавий гап бўлиб туюлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Чет эллардаги таниқли сиёсатчилар, эксперт ва шарҳловчилар ҳозирги пайтда биз қўлга киритган натижаларни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, «Ўзбекистон ўзи белгилаб олган ана шу принципларга оғишмай амал қилса, албатта, келажаги буюк бўлади», деган фикрни билдирмоқда.

Яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирлари давомида нуфузли халқаро ташкилотлар етакчиларининг бизга йўллаган табрикномаларида, юртимизга ташриф буюрган атоқли хорижий олимлар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан бундай юксак эътирофнинг такрор ва такрор билдирилганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Бундай фикр ва хулосаларни эшитганда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг юраги қувонч ва ғурурга тўлиши табиий, албатта.

Аммо биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай юзаки ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлик долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

СЕРДЦЕ НАШЕЙ ЖИЗНИ

В жизни каждого государства есть моменты, имеющие огромное историческое значение. У нас одним из таковых является день принятия Конституции Республики Узбекистан. 8 декабря 1992 года в многовековой истории нашего народа свершилось историческое событие судьбоносного значения – одиннадцатая сессия Верховного Совета Республики Узбекистан приняла Конституцию Республики Узбекистан – Основной Закон независимого государства. Это заложило прочные основы для нашего будущего – строительства правового, демократического государства, гражданского общества.

Четырнадцать лет мы живем по нормам и положениям Конституции, и все это время ощущаем на себе ее благотворное влияние. Как законопослушные граждане мы чтим ее как Основной Закон, как главный гарант наших законных прав и интересов. Спустя годы после ее принятия можно смело утверждать, что она в полной мере соответствует реалиям переживаемого страной переходного периода и обеспечивает постепенное, поэтапное углубление демократических процессов. Конституция согласует и гарантирует законные права и интересы государства и всех слоев общества, является той базой, на которой все нации и народности страны пришли к согласию и взаимопониманию.

(Продолжение на 4-й стр.).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ЖАҲОНДА ТЎРТИНЧИ ОРГАН – ЎЗБЕКИСТОНДА

Миллатнинг довруғини оламга ёйгувчи қадриятлар, унинг маданияти, маънавияти ҳар бир инсон учун Ватан, она каби қадрли бир тушунчадир. Мустақиллик туфайли юртимиз кундан-кунга гўзалланиб, гуллаб-яшнамоқда. Ҳар бир соҳада янгиланиш, катта-катта ўзгаришлар жараёни жадаллик билан давом этмоқда. Истиқлол сабаб, миллийлигимиз қайтди. Қадриятлар, ота-боболардан мерос урф-одатларимиз, анъаналаримиз тикланди.

Санъат соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришлар, ижобий ишлар амалга ошди. Бугунга келиб, ўзбек санъати дунёнинг кўпгина халқларини ўзига жалб қила олди, десак муболоға бўлмайди. Республикамиз мустақиллигининг ўн беш йиллиги арафасида Ўзбекистон давлат консерваториясига Германиянинг машҳур орган чолғуси ишлаб чиқарувчи «Solimpex e.K. Eisenbrth» фирмасида махсус тайёрланган орган чолғуси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртмасига биноан олиб келинган эди. Икки ойлик йиғин ишларидан сўнг, консерваторияда орган зали ўз фаолиятини бошлади.

Шу ўринда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳақида бир оғиз сўз. Ўзбекистонда дастлаб Туркистон халқ консерваторияси 1918 йилда иш бошлаган. 1934 йилда Олий мусиқа мактаби, 1936 йилдан Тошкент давлат консерваторияси деб номланган. 2002 йилда Президентимизнинг ташаббуслари билан замон талабларига жавоб бера оладиган янги консерватория биноси қурилиб, ишга туширилди ва Ўзбекистон давлат консерваторияси деб аталди.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллигимизга эришганимизга ўн беш йилдан ошди. Ана шу вақт мобайнида фуқароларимиз озод ва обод Ватанимиз қучоғида эркин яшамоқда. Мамлакатимизда инсон омилига катта эътибор қаратилмоқда ва олий даражада ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият даражасига кўтарилган. Бунинг кафолати – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Қомусимиз қабул қилинган 8 декабрь куни биз учун катта байрам. Мана, бугун ана шу кунга ўн тўрт йил тўлди.

Биз ўз олдимизга ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан дадил, олға қадам ташламоқдамиз. Президентимиз Ислом Каримов шундай таъкидлайди: **«Ҳар қандай демократия ҳар бир мамлакатнинг тарихий, миллий-диний хусусиятларига асосланиши шарт».**

Биз танлаган йўл ва мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар – давлатимиз ва жамиятимизни сиёсий-ижтимоий тизимнинг янгича, халқаро демократик асосларда шакллантириш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш модели, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир профессионал Қуролли Кучларни барпо этиш, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизни юксалтириш, халқимизга куч-қувват берадиган миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклашга асосланган.

Мана, ўн тўрт йилким, давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини муҳрлаб берган Конституциямиз асосида яшаб келмоқдамиз.

Мана, ўн тўрт йилким, Қомусимизда баён этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Шу давр мобайнида жамиятимизда катта ўзгаришлар юз берди. Ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Буларнинг барчаси Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасидир.

Қуролли Кучларимиз шаҳсий таркиби ҳам Конституциямиз байрамини касбий ва жанговар маҳоратини ошириб, ҳарб илмини пухта эгаллаб, ўз постларида ҳушёр, сергак ва огоҳ турган ҳолда кутиб олишди. Шу кунларда Мудофаа вазирлигининг қайси қисм ва бўлинмасида, ҳарбий билим юртларида бўлманг, шаҳсий таркиб ўз жанговар шайлигини ошириш устида астойдил ўқиб-ўрганаётгани, тинмай изланаётгани устидан чиқасиз. Ватанимиз ҳимоячилари юртимиз тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётининг ишончли кафолатидир.

Азизлар, барчамизга Конституциямизнинг ўн тўрт йиллик байрами муборак бўлсин!

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ИНСОНПАРВАРЛИККА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ

Истиқлолга эришган илк дамларданоқ қураётган ҳуқуқий-демократик жамиятимиз адолатга асосланишини белгилаб олдик. Ўз даврида улкан давлатчиликка асос солган Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Куч – адолатда», «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган ақидаларига риоя қилган ҳолда Асосий Қонунимизни тайёрладик. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мустақилликка эришганимиздан сўнг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий жабҳаларда, давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди. Яъни юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Бундайин туб ўзгаришлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз орқали ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эди: «Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши – биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади».

(Давоми 8-бетда).


4 ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ
СЕРГАКЛИКДАН – КЎНГИЛЛАР ҲАЛОВАТИ


5 «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАМЛАКАТ ЭРТАСИ, УМИД, ИШОНЧИ


11 СИЗНИНГ ТЕНГДОШИНГИЗ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

12 XV АЗИАТСКИЕ ИГРЫ
ЕСТЬ ЗОЛОТЫЕ НАГРАДЫ

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан яқинда умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси айнан ана шундай фикр ва мақсадлар билан озиқланган десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашнинг амалий эҳтиёжи, асосий омиллари ва сабаблари ҳақида гапирганда:

Биринчидан, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан изчил бориб, ислоҳотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи ортгани ва анча пишиб етилганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун қонуний йўл-йўриқларни яратиб беришни бугун замоннинг ўзи талаб қилаётганини қайд этиш зарур.

Учинчидан, ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганини инобатга олишимиз ва шунга қараб сиёсат олиб бориш зарурлиги унутмаслигимиз керак.

Шу маънода, таклиф этилаётган қонун лойиҳасидаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши муқаррар.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.

Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибида туриши зарур.

Одамларнинг фаоллигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш ва камбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади.

Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар парламент сайловлари ва маҳаллий сайловлар пайтида ўз дастурлари, сиёсий маслагини эълон қилган ҳолда, ўзаро курашиб, Олий Мажлисдан ва вилоят кенгашларидан тегишли ўринни эгаллаган ва қонунчилик палатасида ўз фракцияларини, маҳаллий кенгашларда эса депутатлар гуруҳларини ташкил этиш орқали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 2000 йиллардан бошлаб бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда демократик жараёнларни давом эттиришда, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бизнинг бу йўналишда эришган натижаларимиз юқорида зикр этилган мақсадларимизга бугунги кунда тўлиқ жавоб бермаётганини ҳам холисона тан олишимиз лозим.

Бундай ўта муҳим масалаларни ҳал қилиш зарурати ҳақида, сиёсий партияларимизнинг фаолияти ҳали-бери реал ҳаёт муаммоларидан узоқ бўлиб тургани ҳақида кўп чиқишларимизда илгари ҳам айтилган.

Ана шундай ҳолатларнинг ечимини топиш учун мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида янги-янги имкониятлар очиб бермоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракциялар ва маҳаллий кенгашлардаги сиёсий партия гуруҳларининг мақомини аниқ белгилаб қўйиш, барча бўғиндаги халқ ноибларининг ваколати ва мавқеини ошириш бўйича қонуний механизмларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Содда қилиб айтганда, сайлов натижалари асосида шаклланган қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларда қайси сиёсий партиянинг вакиллари кўпчилик мақомига эга бўлади, қайси партиянинг вакиллари эса оччиликни ташкил қилади, тузилаётган ҳукумат сиёсатига нисбатан қайси партия мухолифатлик позициясини ўзига маъқул кўради – буларнинг барчаси таклиф қилинаётган қонун лойиҳасида ўзининг аниқ-равшан ҳуқуқий ифодасини топган.

Сайловлар натижасида қонунчилик палатасида ўз фракциялари ва маҳаллий кенгашларда депутатлик гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари ва вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши – мана шу ҳолатларнинг ўзи сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин кучайишининг яққол исботи, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Барчамизга маълум: бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири – бу бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатишдан иборат.

Мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партиялар ва жамоатчилигимизнинг марказий ҳукуматдан тортиб маҳаллий ҳокимият идораларигача – бутун ижро тизими устидан назорат ўрнатишга ҳуқуқий замин яратиши билан эътиборга сазовордир.

Лўнда қилиб айтганда, бу қонун қабул қилиниши билан марказда ва жойларда мансаб вазифасида ўтирганларнинг, керак бўлса, ҳокимият идораларининг кенг жамоатчилик олдида ҳисоб беришининг амалий тартиби ўрнатилади.

Қонунни амалга ошириш натижасида қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис ва жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг ваколатини, шулар қаторида ижро ҳокимияти, шу жумладан, ҳукуматнинг мустақиллигини ошириш, шу билан бирга, Президентнинг ваколат ва вазифаларига ўзгартиришлар киритиш ва уларни қисқартириш, ҳуқуқий меъёрлар доирасида аниқ белгилаб олиш имкони туғилади. Шунинг ҳисобидан биз мамлакатимизда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни янада мустаҳкамлашга эришамиз. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар қандай ривожланган демократик тизимга мос талабни амалга ошириш демакдир.

Бугун кун тартибига қўйилган мазкур қонун лойиҳаси ва Конституциямизга айрим ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларнинг аҳамияти ва моҳияти, таъсири ва оқибатлари, бу ҳужжатлар ҳаётимизнинг демократик даражасини юксак босқичга кўтаришда янги қадам бўлиши ҳақида яна кўплаб фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин.

Албатта, ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш ўз йўли билан, энг муҳими, уни ҳаётга жорий этиш, одамлар онгига бу ўзгаришларнинг барчаси эл-юртимизга нима беришини ва ҳар қайсимиздан нималарни талаб қилишини етказиш – бугунги кундаги асосий вазифамиздир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўйини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттирсак – ҳеч шубҳасиз, марра бизники – Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қурамиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Бундан бир йил олдин мана шу муҳташам залда сиз, азизлар билан бирга 2006 йилни юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилган эдик. Бундан кўзланган асосий мақсад – жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, “Соғлом авлод учун” жамғармаси ташаббуси билан, хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, туғма нуқсонлари мавжуд бўлган болаларни мураккаб жарроҳлик йўли билан даволаш ишлари амалга оширилди.

Дастур доирасида яна бир муҳим масала – ёш авлодни жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш бўйича қилинган қатор амалий ишлар ҳам эътиборга сазовор. Ўтган давр мобайнида жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилгани, шулардан 18 таси янгитдан барпо этилгани, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция қилингани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, 237 минг нафар фарзандларимиз ёз мавсумида республикамизнинг соғломлаштириш масканларида кўнгилли дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаб қайтганини ҳам қайд этиш даркор.

“Экосан” халқаро ташкилоти томонидан чет эллик ҳомийлар иштирокида Оролбўйи минтақасига саломатлик поездлари ташкил этилиб, бу ерда яшаётган аҳолига 1,2 миллиард сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилгани ҳам ана шундай амалий ишлар сирасига киради.

Йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларидан қарийб 30 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, нуроний отахон ва онахонлар, ногиронларнинг пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларга ҳамда Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарларимизга саёҳатлари амалга оширилди.

Ҳомийлик фаолиятининг қонуний кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳомийлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг мавжуд шаклларини, Ўзбекистон ҳудудида ҳомийлик тузилмаларини ташкил этиш тартиби, уларнинг мақоми ва фаолият йўналишларини белгилаб бериш кўзда тутилган.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Шу борада кўнглимдаги бир фикрни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Ҳаммамиз яхши биламизки, бу дунёда ўзидан орттириб бировга бегараз, беминнат ёрдам кўрсатиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, хайрли ишлар қилиш, очиқ айтиш керак, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Минг шукурки, юртимизда халқимизга хос ана шундай азалий қадриятларни улуғлаб, уларни давом эттириб келаётган инсонлар кўплаб топилади.

Бундай инсонларнинг қилаётган эзгу ва саховатли ишларини эшитганда, “Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак” деган даъват минг-минглаб юртдошларимизнинг қалбида акс-садо бераётганини кўрганда одам беихтиёр тўлқинланиб кетади.

Қани энди, имкони бўлсаю ана шундай инсонларнинг ҳар бирини бағримга босиб, уларнинг барчасига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этган бўлардим.

Лекин, бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, ижозатингиз билан ана шундай ватандошларимизнинг айрим вакиллари номларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Янги шаҳар” маҳалласи оқсоқоли Рихсивой Орипов кўпчиликка бош-қош бўлиб, маҳаллани обод этиш, бу ерда болалар спорт майдончасини барпо этишга ҳомийлик қилган.

Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Пўлатов эса йил давомида 50 та оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатган, шу билан бирга, кам таъминланган оилаларга 4 бош сигир олиб берган.

Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган, табаррук ёшга етган бўлишига қарамасдан, Самарқанд вилоятида халқ таълими соҳасида ҳамон фидойилик кўрсатиб келаётган Иброҳим Рауповнинг бевосита ташаббуси билан вилоятдаги болалар боғчалари, мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларига 15 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик маблағи ажратилган.

Яна бир саховатли инсон – Тошкент шаҳар, Сирғали туманида истиқомат қиладиган пенсионер Суярқул Туроббоев ўз ҳисобидан 1,7 миллион сўм маблағ сарфлаб, қаровсиз ётган жойни обод қилган, 4 мингдан зиёд кўчат экиб, кўркам хиёбон барпо этган.

Андижон вилояти, Кўрғонтепа қишлоғида истиқомат қиладиган ҳурматли меҳнат фахрийси Умрзоқ Холмирзаев эса қишлоқ мактабини ободонлаштириш, унинг атрофида боғ яратишга ўз маблағи ва меҳнати билан муносиб ҳисса қўшмоқда.

Яна бир нуроний отахон – Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида яшовчи Жаҳонгир Усмонов ўзининг 8 миллион сўм маблағи ҳисобига болалар спорт майдончаси қуриб берган.

Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги фермер хўжалиги раиси Салом ота Шойматов ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Пири бадавлат, эл-юртга кўп хизмати сингган 75 яшар бу муҳтарам оқсоқолимиз кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ҳудудидаги йўлни асфальт қилиш, қабристон атрофини ободонлаштириш, қишлоқ мактабини таъмирлаш ишларига жами 27,5 миллион сўм маблағ сарфлаган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги “Ҳумоюн” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Зикрилла Эрматов ўз ҳисобидан 12,6 миллион сўм маблағ сарфлаб, минг тупдан ортиқ кўчат экиб, 6 минг квадрат метрдан иборат хиёбон барпо этган, маҳалла чойхонасини ободонлаштиришга ҳисса қўшган.

Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов эса 75 гектар қўриқ ерни ўзлаштириб, 36 кишини иш билан таъминлаган. Олинган фойда ҳисобидан 5 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатган. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юрт манфаати йўлида қилинган савобли ишлар ҳеч қачон беиз кетмайди. Бундай ишлар Яратганимизга ҳам, халқимизга ҳам хуш келади. Муқаддас Қуръон оятида “Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир” деган сўзлар албатта бежиз айтилмаган.

Бундай бағрикенг, олийҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу муносабат билан ўзининг эзгу ишлари билан ўрнак кўрсатган ана шу юртдошларимизни, уларнинг улуғ ёшини инобатга олган ҳолда, ҳар бир мусулмон учун орзу бўлган, қолаверса, фарз бўлган, яқин кунларда бошланадиган муқаддас ҳаж зиёратига давлат ҳисобидан юборишга қарор қилдик. Бу қарор бошқаларга ҳам ибратли бир қадам бўлишига ишонаман.

Муҳтарам дўстлар!

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да тиббий хизмат сифатини юксалтириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш, нуфузини ошириш бўйича ҳам анча ишлар қилинганини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳоз ва мебеллар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм, яъни, ўтган йилдагига нисбатан тахминан бир ярим баробар кўп маблағ ажратилгани, капитал таъмирлашга эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфлангани бажарилган ишлар кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси, хирургия ва кардиология марказлари, Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида 60 ўринли даволаш бўлими капитал таъмирлангани ва бу ерда замонавий даволаш усуллари жорий қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Шу борада марказдан узоқ ҳудудларимизда бажарилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Хоразм вилоятида Республика ихтисослаштирилган урология марказининг филиали ташкил этилгани, Республика жарроҳлик маркази ва “Саломатлик” институтининг Нукус филиаллари, Жиззах вилоятида кардиология диспансери ва вилоят болалар шифохонаси, Қашқадарё вилоятида сил касалликлари диспансери, Сурхондарё вилоятида болалар шифохонаси капитал таъмирланган, кўплаб олис шаҳар ва туманларда янгиянги касалхоналар, 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилгани шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Фарғона вилоятининг Тошлоқ ва Бағдод туманлари, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри тиббий муассасалари зарур асбоб-ускуналар билан, Самарқанд вилоятидаги 310 та қишлоқ врачлик пункти эса керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Навоий вилоятида «Қизилқумцемент» акциядорлик компанияси профилактория-сини капитал таъмирланиб, замонавий талаблар асосида жиҳозлангани ҳам беморларнинг оғирини енгил қилишда ўз ҳиссасини қўшади, албатта. Бундай мисолларни бошқа ҳудуд ва минтақаларимиздан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Мазкур йилда тиббий таълим тизимини кенгайтириш, соҳа ривожи учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Марғилон шаҳрида 360 ўқувчига, Гулистон шаҳрида эса 540 ўқувчига мўлжалланган тиббиёт касб-ҳунар коллежлари ишга туширилганини алоҳида қайд этишимиз зарур.

Мамлакатимизда кейинги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қандай катта ишлар амалга оширилаётганидан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, ҳомиладорлик ва туғиш пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, туғруққоналар, «Она ва бола» соғломлаштириш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби бундан 10-15 йил илгари олдимизда жиддий муаммо бўлиб турган масалалар бугунги кунда ўзининг ижобий ечимини топаётгани барчамизни сўзсиз қувонтиради.

Бу соҳада биз эришган натижа ва ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг Марказий ва Шарқий Европа, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис ноябрь ойида юртимизда бўлиб, Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзийдиган тажриба тўпланганини алоҳида таъкидлагани бу фикрнинг исботидир.

Тиббиёт соҳасининг бутун юки ва оғирлигини ўз зиммасига олган шифокорларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширган тадбирларимиз ҳам муҳим аҳамиятга эга экани шубҳасиз.

Соҳа ходимлари учун иш ҳақининг такомиллаштирилган тариф сеткаси жорий қилинди, шифокорлар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги ва самарали тизими шаклланди.

Натижада мамлакатимиздаги умумий ойлик иш ҳақини индексация қилиш даражасини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ўртача ойлик маоши тахминан 2,2 баробар ошди.

Шу борада ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича янги тузилган жамғарма тўлақонли фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу жамғармани шакллантиришга бюджетдан ажратилган маблағларнинг ўзи қарийб 23 миллиард сўмни ташкил этаётгани ва шунинг ҳисобидан 100 минг нафардан зиёд тиббиёт ва фармацевтика ходимига қўшимча иш ҳақи ва мукофот пули тўланаётгани шифокорлар меҳнатини қўллаб-қувватлашда янгича усул қанчалик самара бераётганини кўрсатиб турибди.

Айниқса, хавфли ва зарарли шароитда фаолият юритадиган тиббиёт муассасалари, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси бўйича марказий лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, уларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган амалий ишларимиз эътиборга сазовордир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонун қабул қилингани ва бу сана 12 ноябрь куни биринчи бор юртимизда кенг нишонлангани, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилгани шифокорлар хизматини холисона баҳолаш ва қадрлаш йўлида, ҳеч шубҳасиз, муҳим бир қадам бўлди.

Азиз юртдошлар!

Барчангиз яхши тушунасиз, қисқа бир чиқишда тиббиёт тармоғини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, бу соҳани янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш ўта мураккаб вазифа. Бу борада бажарилган ишларнинг кўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтсак, ўйлайманки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижросининг ўзи қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағини сарфлашни талаб қилгани бир йил давомида қанчалик кенг қамровли ишларни бажарганимизнинг яққол далолати, десам, тўғри бўлади.

Ана шундай улкан ишларни амалга оширишда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар, савобталаб инсонлар билан бирга, халқаро гуманитар тузилмаларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини қайд этиш зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз.

Албатта, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”нинг якуни ва хулосалари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин мана шу олижаноб ғоя ва ҳаракатнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирган асосий фалсафасини мухтасар тарзда ифода этадиган бўлсак, кўпмиллатли юртимизда ҳеч ким ҳеч қачон давлатимиз ва жамиятимиз эътиборидан четда қолмаслигига бўлган ишонч, одамийлик, аҳиллик ва тотувлик муҳитининг янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қадрли ватандошлар!

Энди сизлар билан янги 2007 йилга қандай ном бериш, бу борада қандай эзгу мақсадларни ўзимизга учун устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида атрофлича фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳаммангизга маълум, биз 1997 йилдан бошлаб юртимизга кириб келаётган йилга ном бериш асосида, авваламбор, ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян ижтимоий масалани ечиш мақсадида куч ва имкониятларимизни сафарбар қилиб, катта-катта ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Қайси йилга қандай ном беришдан қатъи назар – бу оила ёки аёллар масаласи бўладими, соғлом авлод тарбияси, маҳаллаларимизни обод қилиш ёки қарияларни қадрлаш бўладими, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ёки жамиятимизда меҳр-мурувват, инсонпарварлик руҳини кучайтириш бўладими – буларнинг барчасини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларини эътиборимиз марказига қўйиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, қарийб ўн йил давомида эълон қилинган йилларнинг барчаси ўзининг маъно-мазмуни ва аҳамиятига кўра ўзаро чамбарчас боғланиб, мантиқан бир-бирини тўлдириб, айнан аҳолимиз манфаатларини таъминлашдек мақсадга хизмат қилиб келаётганини кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Шу билан бирга, йилларга ном бериш анъанасини давом эттирар эканмиз ва шунга бағишлаб амалга оширилган ишларимизни кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, бир масалага фикрингизни жалб этмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида маълум бир ном берилган ҳар қайси йил ўзида мужассам этган маъно-мазмуни, ўз олдига қўйган мақсадлари, долзарблиги ва аҳамияти билан ҳаётимизда мавжуд бўлган муаммоларни ечишда бир йиллик муддат билан чегараланиб қолмайди.

Мисол учун, 2004 йилни “Меҳр-мурувват”, 2005 йилни “Сиҳат-саломатлик”, жорий йилимизни эса “Ҳомийлар ва шифокорлар” йили деб аташдан кўзда тутилган мақсадларни чуқур англаб, инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан аёнки, амалга оширган тадбир ва ишларимизнинг ҳали қанча-қанча давоми, шу борада ўз ечимини кутаётган қанча-қанча муаммолар бор.

Шуларнинг барчасини, энг аввало, халқимизнинг кайфият ва эҳтиёжини, орзу ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, рухсатингиз билан, мен кириб келаётган янги – 2007 йилни юртимизда “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Ҳаммангизга маълумки, ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида машҳур беш тамойилдан бири – айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ҳам туради.

Ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати ҳақида, бу борада қандай қарорлар қабул қилингани ва қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз.

Энг аввало, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кескин салбий таъсир кўрсатадиган огир оқибатларни имкон қадар камайтириш, ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилган ишларимизни таъкидлаш жоиз.

Яқинда тасдиқланган 2007 йилнинг давлат бюджетида бу йўналиш бўйича, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган.

Қисқа қилиб айтганда, давлат бюджетимизнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич келгуси йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса 2007 йил бюджетида 7 фоизни ташкил этмоқда.

Шулар қаторида бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинади.

Жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлмиш, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла идораси бу масалада алоҳида ўрин тутиши ҳақида гапириш ортиқча.

Кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан бамисоли кўприкдек боғлаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш йўлида қўшаётган улкан ҳиссаси билан халқимиз назарида катта обрў қозонаётгани бежиз эмас, албатта.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда.

Аммо бундай ўта муҳим йўналишда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, ҳали ечилмаган масалалар, бартараф этиш зарур бўлган кўпгина муаммолар борлигини ҳам тан олишимиз лозим.

Бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қонуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлашни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу ўринда гап ана шу асос ва нормаларни замон талабларига мос равишда аниқ-равшан белгилаб қўйиш, мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати, бугун мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибимизга қўйиш ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.

Бу борада амал қилаётган нормаларни нафақат янада чуқурлаштириш, балки давлат ва жамиятимиз томонидан берилаётган ёрдам миқдорларини имкон даражасида ошириш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирларни жорий қилиш зарур.

Олдимизда турган яна бир долзарб вазифа – биринчи галда, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб туғилишига алоҳида аҳамият қаратиш, “Соғлом она – соғлом бола” деган шиор остида катта эътибор билан бошлаган ҳаракатимизни давом эттириш ва унга том маънода янги туртки бериш, бу муаммога замонавий кўз билан қараш ва етарли даражада маблағ ажратиш масалалари доимий диққат марказимизда туриши даркор.

Нега деганда, очиқ айтадиган бўлсак, аслида бизни қийнайдиган кўпгина ҳаётий муаммоларимиз худди шу масалага эътиборсизлигимиздан бошланади.

Айни мана шундай ҳараш ва ёндашув “Ижтимоий ҳимоя йили” бўйича ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқиладиган давлат дастурининг асосий ғояси ва маъно-моҳиятини белгилаб бериши зарур.

Бу дастурни тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилигимиз ўзларининг амалий таклифлари, фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишига ишонаман.

Чунки ҳаммамиз яхши тушунамиз, 2007 йилга “Ижтимоий ҳимоя йили” деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Жамиятимизни янгилаш, ҳаётимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш йўлида бундан ўн беш йил олдин бошлаган ишларимизда халқимизга Оллоҳнинг ўзи куч-қувват берсин, ўзи мададкор бўлсин.

Амалга ошира

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Озод ва фаровон юрт, эркин ва бахтиёр халққа улуғвор байрамлар ярашади. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

– Аввало, бугун Конституциямизнинг кутлуғ байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман, – деди Президентимиз. – Айнан шу кунларда, яъни йилимиз якунига етиб бораётган дамларда ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида, жамиятимизнинг турли жабҳаларида амалга оширган ишларимиз, уларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапириш ўринли ва табиий, деб ўйлайман.

Юртимизнинг тараққиёт йўлида эришган марралар ва ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, буларнинг барчасини аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига, халқимизнинг пешона тери билан қўлга киритганимизни ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўйлайманки, мана шу залда тўпланган эл-юртимизнинг муносиб фарзандлари – ким қайси касб вакили бўлмасин, ким қаерда, қандай вазифада ишлашидан қатъи назар, умри тинимсиз меҳнат ва изланишда ўтиб келаётган сиз, азизлар бу ҳақиқатни яхши биласиз, англайсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Минглаб ватандошларимиз қаторида мамлакатимиз равнақи, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, санъат ва таълим соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, бир сўз билан айтсак, эркин ва обод келажагимиз йўлида сиз, муҳтарам юртдошларимизнинг қилаётган фидокорона меҳнатингиз ҳар қандай таҳсинга сазовор.

Бугун ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштироки билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сизлар каби инсонларга давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотларини топшириш мен учун чиндан ҳам катта шараф десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Аввало, Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий қудратини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиз – машҳур тиббиёт олимаси, академик Малика Абдуллахўжаевани, Ўзбекистон халқ устаси, ноёб истеъдод соҳиби Абдуғани Абдуллаевни, моҳир педагог Саме Саматовни, темир йўл қурувчиси Баҳодир Илёсов ва хоразмлик заҳматкаш деҳқон, фермер Гулмат Ҳайитметовни энг олий мукофот – «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони билан ўз номимдан, халқимиз номидан муборакбод этиш менга чуқур мамнуният етказади, деди Юртбошимиз.

Шулар қаторида ўз ҳаётини дунёдаги гоят савобли иш – таълим-тарбия соҳасига бағишлаган Пория Игисинова ва Али Абдулқосимов, эл-юртимизнинг олижаноб қадриятларини тараннум этиб келаётган муҳтарам шоиримиз Охунжон Ҳакимов, ибратли маҳалла оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев, театр ва кино санъати намояндалари Азиза Бегматова, Владимир Шапиро ва Зулфиқор Мусоқов, композитор Дилором Омонуллаева, машҳур «Айқулаш» ансамблининг бадиий раҳбари Пўлат Мадраимов, юртимиз мудофааси ва тинчлиги йўлида ўзини намоён этган жасур ҳарбийларимиз Сергей Проценко ва Ҳайдар Абдиев каби ўнлаб ватандошларимизнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз.

Мана шу муҳташам залда ўтирган сиз, азиз юртдошларимиз – барча-барчангизни, ўз касби ва санъатининг моҳир усталарини замонамизнинг ҳақиқий ибрат тимсоллари сифатида самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда жойларда ана шундай юксак мукофотлар топширилаётган барча юртдошларимни ҳам ғойибона бағримга босиб, чин қалбимдан қутлайман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

– Давлатимизнинг бугун топширилган юксак мукофотлари – унвон, орден ва медаллари барчангизга буюрсин, – деди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов. – Нафақат ўзларингизни, балки оила аъзоларингизни, фарзандларингизни, ёру биродарларингизни руҳини кўтарсин, ғурур ва ифтихор бағишласин, янги марраларга етиш учун куч-қувват ва омадлар берсин.

Менинг қалбимдаги эзгу тилагим, истагим шуки, ўз меҳнатидан қадр топган, эл-юртимиз ҳаётини обод қилишга интилиб яшайдиган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмасин.

Оллоҳнинг ўзи халқимизни асрасин, омадини, бахтини берсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, Пахтакор туманидаги "Равшан ота" фермер хўжалиги бошлиғи Омондулла Равшанов, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, Ўзбекистон академик рус драма театри бадиий раҳбари Владимир Шапиро, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри Зинаида Соловей, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, "Айқулаш" Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Пўлат Мадраимов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Қашқадарё вилоятидаги 5-Меҳрибонлик уйи директори Тоштемир Сатторов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, "Ўзбекфильм" киностудияси постановкачи-режиссёри Зулфиқор Мусоқов ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юксак суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

ЎзА.

ЮРТИМИЗДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан 14 йил муқаддам умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳар томонлама ва чуқур ўйланган демократик йўл билан қабул қилинган Асосий Қонунимиз янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Асосий қомусимиз, бир томондан, халқимизнинг теран тарихий илдизларига асосланган, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган бўлса, иккинчи томондан, тарихда синалган умуминсоний қадриятлар, халқаро андозалар, тараққий топган давлатларнинг илғор тажрибаси мужассам этилган ҳужжатдир.

Ўтган даврда Конституциямизнинг ҳаётий негизи нечоғли мустаҳкам экани ўз тасдиғини топди. Конституциявий қоидалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида тобора тўлароқ намоён бўлмоқда. Чунки Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг барқарорлиги, истиқлолга садоқатимиз, истиқболга ишончимиз, ислоҳотларимизнинг муваффақиятли одимлари, эзгу юмушларимизнинг самаралари, халқимиз тийнатида буюк яратувчилик ва бунёдкорлик руҳи кундан-кун яққол намоён бўлаётгани – барча-барчасининг замирида Асосий қомусимизда кафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар, принциплар турганини бугун ҳар бир юртдошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Юртбошимиз инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотларимиз жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашувига, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини қайд этар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни кенг кўламда, жадал суръатлар билан давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда анъана тусига кирган - ҳар бир йилни маълум бир ном билан аташ амалиётига содиқ қолган ҳолда, 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай ибратли ишлар, биринчи навбатда, юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий аҳамиятга эгадир.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури замирида жамиятимизда инсон қалбидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси – ҳомийликнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини теран тарғиб этиш, саховатли ва беғараз ҳомийларни рағбатлантириш, фидойи ва юксак фазилатли инсонларни қадрлаш ғояларини ўз мужассамини топди. Дастур асосида амалга ошираётган барча эзгу саъй-ҳаракатларимиз халқимиз ҳаётини янада яхшилашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилаётир.

Жорий йилда халқимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат, савоб, қиммат каби фазилатларни янада ривожлантириш, ҳомийлик ҳаракатини кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришга оид масалалар доимий эътиборда турди. Кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди ва қўшимча иш жойлари ташкил этилди. Қишлоқ жойларда касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаяпти. Уй шароитида чорва билан шуғулланаётган юртдошларимиз моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Эҳтиёжманд кишиларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатилмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган даврда наинки инсонлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган шифокорларнинг, айни чоғда, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам шарафли ва масъулиятли меҳнатини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, умуман, аҳолининг реал даромадларини ошириш, иш ҳақи, стипендия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш каби ижтимоий-иқтисодий йўналишда муҳим аҳамият касб этувчи кўплаб эзгу ишлар бажарилди.

Йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган ва амалга оширилаётган эзгу ва саховатли ишлар «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган даъват минг-минглаб юртдошларимизнинг қалбида акс-садо бераётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўзининг эзгу ишлари билан ўрнак кўрсатган барчаларингиз, олийжаноб ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун қарз ва фарз эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Газпром» билан ҳамкорлик кўлами йилдан-йил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

– "Газпром" Россиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган энг йирик компаниясидир, – деди Ислом Каримов. – Ушбу ҳамкорликнинг муваффақиятлари бизни қувонтиради. "Газпром" Россияда, МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги конларни ўзлаштиришда катта имкониятларга эга. Ўзбекистон эса нафақат газ соҳасида катта салоҳиятга, балки минтақамиздаги мамлакатларда қазиб олинадиган газни ташиш борасида ҳам улкан имкониятларига эга.

«Газпром» жаҳондаги йирик компаниялардан биридир. Дунёда қазиб олинадиган газнинг 20 фоизи, Россия газининг 94 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. «Газпром» газ, нефть ва конденсатлар қазиб олиш ва қайта ишлаш, техника ва саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштирган.

Бундай йирик компания билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдалидир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажмини ошириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятида.

Ёқилғи-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги изчил ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим бўғинини ташкил қилади. 2002 йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. У 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, Марказий Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали ташишни назарда тутади.

Ҳужжатга мувофиқ 2004 йилнинг 14 апрелида «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром»га қарашли «Зарубежнефтегаз» ёпиқ акционерлик жамияти ўртасида Шоҳпахта конини ўзлаштиришни якунига етказиш лойиҳаси бўйича Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга имзо чекилган. 15 йилга мўлжалланган бу ҳужжатга биноан, 2007 йилгача ана шу мақсадга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри сармоя йўналтирилади. Келишувда кўзда тутилганидек, 2004 йилнинг иккинчи ярмида кондан газ олиш қайта йўлга қўйилди, компрессор станциясининг қурилиши ва инфратузилмани янгилаш ишлари тугалланди. Натижада 2004 йилда 200 миллион, 2005 йилда қарийб 500 миллион куб метр газ қазиб олинди. Жорий йилда бу кўрсаткич бир миллиардга етиши кутилмоқда.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасидаги стратегик ҳамкорлик битимига мувофиқ 2004 йилда Ўзбекистондан Россияга 7,114 миллиард, 2005 йилда 8,15 миллиард куб метр газ экспорт қилинди. 2006 йил охиригача бу борадаги кўрсаткични 10 миллиардга чиқариш мўлжалланган.

«Газпром» Ўзбекистон ҳудудидан шимолга ўтувчи газ магистрал қувурини таъмирлашда ҳам қатнашади. Унинг Ўзбекистонга киритадиган жами сармояси 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Оқсаройдаги учрашувда «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. А.Миллер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

МАРДЛИККА МУНОСИБ БАҲО

Юртдошларимизга маълумки, Энг улуғ ва энг азиз байрам – табаррук истиқлол айёмининг ўн беш йиллик тўйида бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимиз Фармонига биноан турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирланишган эди. Яна бир унутилмас сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилаётган давлат мукофотлари соҳибларига Марказий офицерлар саройида мазкур мукофотларни топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р.Мирзаев, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов, Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов ҳамда бошқа масъул офицерлар, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, оммавий ахборот воситаси ходимлари ва кўплаб меҳмонлар иштирок этишди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев нуфузли мукофотларни соҳибларига топширишдан аввал нутқ сўзлаб, тақдирланганларга Давлатимиз раҳбариятининг табригини етказишдан ғоят шод эканини билдириб ўтди.

– Азиз дўстлар, ҳурматли ўртоқлар! Ҳар бир суверен давлат ҳаётида шундай лаҳзалар борки, юксак тарихий аҳамиятга эга саналади. Бундай саналардан бири Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йилнинг 8 декабридир. Бу кун халқимизнинг кўп асрлик тарихида юз берган улкан воқеадир. Шу куни мустақил давлатимизнинг асосий қонуни – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Бугун бу ҳақда гапираётганда, яъни асосий қонунимиз – Конституцияни тузиш ва ташкил этишда Республикамиз Президенти Қуролли Кучларимиз Олий бош қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг кўрсатган йўл-йўриқларини эсга олмасдан бўлмайди. Икки йилча вақт мобайнида давлатимиз раҳбарининг шахсан назоратларида махсус комиссия Конституция билан шуғулланишди. Аҳамиятлиси, бирорта боб, бирорта модда ёки бирор-бир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат йўққи, унга юртбошимиз чуқур эътибор қаратмаган, изчил ўрганмаган бўлса.

Мамлакатимиз ўн тўрт йилдирки, ўзининг демократик, очиқ уйини барпо этмоқда, ана шу давр мобайнида биз Конституциянинг талаб ва қоидалари асосида яшаяпмиз ва ана шу давр мобайнида биз унинг ижобий таъсирини ҳис этиб келмоқдамиз. Ҳар бир қонунга қатъий риоя қилиб яшовчи фуқаро Конституциямизни қонуний ҳуқуқ ва манфаатларни кафолатловчи Асосий Қонунимиз деб эътироф этмоқда.

Шуни ишонч билан таъкидлаш жоизки, Конституциямиз қабул қилингандан сўнг орадан йиллар ўтиб, у мамлакатимиз бошидан кечираётган ўтиш даврига мувофиқ демократик жараёнларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Конституция давлат ҳамда жамиятнинг барча табақаларини қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини мувофиқлаштиради ва кафолатлайди, мамлакатнинг барча миллат ва элатлари тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик ҳолатида яшашининг базаси ҳисобланади. Конституциямиз асосида Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари ўз уйларида тинчлик ва барқарорликни ишончли ҳимоя қилиб келишмоқда.

Биз, Ўзбекистон фуқаролари, ўқитувчилар ва пахтакорлар, нефтчилар ва автомобилчилар, ҳарбий профессионаллар ва тиббиёт ходимлари, ёшлар ва оппоқ соқолли мўйсафидлар ана шундай Конституциямиз борлигидан фахрланамиз. Аввало, унинг ноёблиги билан фахрланамиз.

Конституциямиз нафақат ижтимоий-сиёсий тузилишнинг янгича талқинини ифода этади, балки у асосий дунёвий қадрият – инсонни, унинг ҳуқуқи, мажбуриятларини, кишилар орасидаги ўзаро муносабатларни, инсоннинг жамият ва давлат билан ўзаро муносабатлари жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Ҳар бир аҳоли пункти – шаҳар, туман ва вилоят, бутун республикамиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллик айёмини кутиб олиш ва нишонлаш арафасида турган бугунги байрамолди кунларида мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий бош қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов номларидан ва уларнинг топшириқларига кўра бир қатор жанговар дўстлар ва хизматдошларга, Қуролли Кучларнинг муносиб вакилларига Ватанимизнинг давлат мукофотларини топширишга рухсат берсангиз. Сизнинг фидокорона кундалик меҳнатингиз мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик айёми муносабати билан шундай юксак мукофотлар билан тақдирланган, – деди у жумладан.

Шундан сўнг жарангдор мусиқа садолари ва иштирокчиларнинг гулдурос қарсаклари жўрлигида мукофотларни эгаларига топшириш бошланди. Юксак даражадаги мукофотга сазовор бўлганлар энг фидойи, асл ватанпарварлар экани, кўпчиликка ибрат бўларли фазилатлар соҳиби саналиши Мудофаа вазири томонидан шахсан эътироф этилди.

– Айтиш мумкинки, бугун бу ерда армиямизнинг энг сара вакиллари, унинг фахри ва шони, ҳарбий хизматга, мамлакат ҳавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишга, Қуролли Кучлар жанговар маҳоратини оширишга ўзининг астойдил интилиши билан бутун шахсий таркибга чинакам ибрат бўлаётган юксак бурч намоёндалари йиғилган.

Бугун биз саралар ичидан энг сараларни – ўз ишини мукаммал билувчи ҳамда мустақиллик, миллат ва юрт тақдири учун ўз шахсий масъулиятини чуқур англаган профессионал жангчиларни, пухта билимли мутахассисларни муборакбод этяпмиз. Қўшилмалар, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлигини мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшаётган, ўз фидокорона меҳнати билан нафақат мамлакат мудофаа қобилиятини, шунингдек, армиямизнинг бугунги кунда ўз ўғлонлари – фаровон юртимиз ва ва Ватанимиз мустақиллигининг ҳимоячилари билан ҳақли равишда фахрланувчи халқимиз билан маънавий бирлигини мустаҳкамлаётган инсонларни қутламоқдамиз. Ва бу табиий, чунки мамлакатимизда унинг фуқаролари учун Ватан, унинг озодлиги, мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилишдан ҳам шарафли ва масъулиятли вазифа йўқ, – деди у жумладан. Ва мукофотланганлардан баъзиларининг номини тилга олиб, улар билан барчамиз гурурлансак арзишини алоҳида тилга олди.

– Илғорлар ичра илғор бўлган II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби тиббиёт хизмати полковниги Борис Слизский, I даражали «Шоншараф» ордени соҳиби подполковник Сергей Проценко, II даражали «Шоншараф» ордени соҳиби полковник Ҳайдар Абдиев, «Дўстлик» ордени соҳиби подполковник Александр Ким, «Жасорат» медали соҳиблари подполковник Ҳусан Назаров, майор Азим Мажидов, капитан Рустам Акбаров, катта лейтенант Баҳодир Мўминов, сержант Иброҳим Қаюмов, кичик сержант Зафар Дониёров, кичик сержант Комилжон Болтабоев, муддатли хизмат оддий аскари Отабек Юнусов, «Шуҳрат» медали соҳиблари полковник Зокир Ҳаққулов, подполковник Орзимурод Содиқов, катта лейтенант Дилшод Маҳмудов, Қуролли Кучлар хизматчиси Марат Ҳакимов ва бошқа кўпчиликнинг номини бугун катта қувонч билан тилга оламан, – деди Мудофаа вазири Р.Мирзаев ўз нутқида юртнинг етук ўғлонларини олқишлаб.

Юрт осойишталигини асраш, қалблари меҳнат ва яратувчанлик, бунёдкорлик ҳислари билан лиммо-лим ватандошларимиз тинчлигини таъминлашдек устувор мақсад йўлида фидокорона хизмат қилиб келаётган асл шунқорларнинг мардона хизматларига берилган муносиб баҳо, яъни тантанали тақдирлаш маросими иштирокчиларда ўчмас таассурот қолдирди. Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлган посбонлар эса кўрсатилаётган эътибор ва билдирилаётган ишончдан янаям руҳланганларини баён этдилар.

– Мен табаррук юртим, буюк ўтмиши-ю, порлоқ келажаги бор она Ўзбекистонга, ўз юртдошларимга хизмат қилаётганимдан, камтарин хизматларим юксак баҳоланиб, нуфузли мукофотга лойиқ топилганидан чексиз шодман, – деди «Жасорат» медали соҳиби, сержант Иброҳим Қаюмов. – Истиқлол сабаб, юртимизда барча соҳа, жумладан, Қуролли Кучларда ҳам туб ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Миллий армиямиз профессионал асосга ўтай деб қолди. Бу армия сафларида хизмат қилаётган биз каби сержантларнинг мақоми ўзгариб, профессионаллар дея эъзозланмоқда. Шу боис ҳам мен ушбу юксак мукофотни ёлғиз ўзимники эмас, балки барча сафдошларимники, барча сержантларникидир, дейман. Кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликлар бизга жасорат ва матонатда янги зафарларга чорловчи илҳом бўлиб хизмат қилажак.

Ўзбекистон барча юртдошларимиз учун муқаддас Ватан, азиз бешикдир. Унинг тақдири ҳаммамизнинг тақдиримиз. Фақат биз аҳил ва иноқ бўлиб, қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилсакгина мақсадга етамиз. Бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталиб ўтган Мудофаа вазири фикрини қуйидагича баён этди:

– Сизларга маълумки, бугун халқимиз олдига Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан XXI аср бошларида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий дастурларини амалда тадбиқ этишга қаратилган мураккаб ва кўпқиррали вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни бажариш барчамизга, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига боғлиқ бўлиб, жонажон Ватанимизга, истиқлолимизга содиқлигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга бўлган садоқатимизни Ўзбекистонни яхлитлигича асрашимизда ўз аксини топади. Агар барчамиз жипслашсак, баҳамжиҳат ҳаракат қилсак, мамлакатимиз ҳудуди ва халқимиз тинчлигини, чегараларимиз дахлсизлигини сақлаш имкониятига эга бўламиз.

Мен сизларга бу машаққатли ва шарафли ишларингизда юқори суръатдаги жанговар шайлик ва ташаббускорлик, янгидан-янги етакчилик қобилиятини шакллантириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда ва келажак пойдеворини қуришда ташкилотчиликни кучайтириш ҳамда Низом талабларига риоя қилган ҳолда фаолият юритишингизда зафарлар тилайман.

Сизни Ватанимизнинг юксак мукофотларини олганингиз билан чин юракдан табриклайман. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратингизни Ватан равнақи ва тараққиётига бағишлашингизни, сергаклик ва ҳарбий маҳоратингиз, касбий билимингизни мунтазам равишда ошириб боришингизни, жанговар тайёргарлик машғулотларини замонавий асосда кучайтириш, энг муҳими, юртимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни, Истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, мустақиллигимизга ҳавф солмоқчи бўлган ғараз мақсадларга кескин зарба беришга, ҳавфсизлигимизни таъминлашга доим тайёр туришингизга тилакдошман, – деди Р.Мирзаев.

Тадбир иштирокчилари, айниқса, ота-оналар шукуҳли айёмдан ғоят хурсанд бўлдилар.

– Ўғлимнинг қувончли кунида иштирок этиш учун отаси ва келинимни олиб, бу ерга етиб келдим, – дейди «Шуҳрат» медали соҳиби подполковник Орзимурод Содиқовнинг онаси Дилором ая Қодирова. – Ўзим ўқитувчиман. Ёшларга миллий ғоя, ватанпарварлик ва юртга муҳаббат руҳида тарбия беришга интилиб, аввало ўз фарзандимдан бошлагандим. Мана, меҳнатларим зое кетмабди. Болам юрт ҳимоячиси, яхши хизматлари учун Ватан мукофотига сазовор бўлди. Мен жуда бахтли онаман. Жуда илгари, ҳали фарзандим ёш пайтида кўча-кўйда ҳарбийларни кўриб қолсам, шундай ўғилни туққан онанинг ҳам армони бормикин, қара-я, фарзанди туфайли қанчалар ғурурланса арзийди, дердим. Тўғриси, ҳавас қилардим. Худога шукр, ўзим ҳам ана шундай ҳурматга эришдим. Боламни ва барча мукофотланганларни, уларнинг оила-аъзолари-ю, яқинларини ҳам қутлайман.

– Турмуш ўртоғим ҳарбийлиги боис турли гарнизонларда яшадик, ҳаётнинг оғир-енгил, машаққатли пайтларини ҳам кўрдик, – дейди Орзимуроднинг турмуш ўртоғи Холида Валиева. – Барчасига сабот билан чидаб, мана бугун эъзозу ҳурмат топдик. Турмуш ўртоғим юксак мукофотга муносиб топилди. Назаримда, ҳамма машаққатлар ортда қолиб, чарчоқлар унутилгандай. Мана, мустақиллик айёмида мукофотга лойиқ топилганларга яна бир улуғ байрам – Конституция куни арафасида мукофотлар топшириляпти. Бу кун ҳам биз учун азиздир, – деди Холидахон қаяжон билан.

Маърузасини якунлаётганида Мудофаа вазири ҳам Конституциямиз қабул қилинган кунни яна бир бор эсга олиб, иштирокчиларнинг барчасини яна бир бор қутлаб шундай деди: «Сизларни яна бир карра кириб келаётган Қомусимиз ташкил топган қутлуғ кун муносабати билан қутлайман. Сизларга чин юракдан соғлик-саломатлик, тинчлик ва осойишталик, оилангизга хотиржамлик, хизматингизда омадлар ва бахт тилаб қоламан».

Тадбир байрамона руҳда давом этди. Давлат мукофотлари соҳибларини қалбидаги шоду хуррамлик бошқаларга ҳам кўчди. Мукофотлар билан бирга Мудофаа вазирининг буйругига биноан Конституция куни муносабати билан бир гуруҳ аълочи ҳарбий хизматчиларга Мудофаа вазирининг эсдалик нишони, фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари ҳам берилди. Кўплаб ўз ишининг асл фидойиси бўлган хизматчиларга миннатдорчилик эълон қилинди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.





10 декабрь – давлат Мадҳияси қабул қилинган кун

ЎЗБЕКНИНГ МУҚАДДАС ҚЎШИҒИ

Ҳар тонг Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи ҳовлисига кириб борар эканман, сарбаланд бўлиб ҳилпираб турган Ватанимизнинг рамзи бўлган мамлакатимиз байроғига кўзим тушади…

Ҳар тонг ана шу байроқ остида ҳамкасбларим ва коллеж ўқувчилари билан Мадҳиямизни куйлайман. Буюк мамлакатнинг фарзанди эканлигимдан ғурур ва ифтихор ҳиссини туяман.

Ҳар бир халқнинг куч-қудрати, миллий ифтихори, дунёқараши унинг давлат Мадҳиясида ўз ифодасини топади.

Озодликка эришган барча давлатларнинг ўз мадҳиялари бор. Масалан «Марсельеза», «Озодлик қўшиғи»… Ушбу қўшиқларнинг ҳаммасида озодлик, эрк ва ҳурлик тараннум этилади. Давлат Мадҳияси ҳар бир миллат мустақиллигининг белгисидир. Бас шундай экан дунёнинг аксарият миллатлари эрталаб миллат қўшиғидан уйғонадилар, ундан куч ва руҳ олиб кундалик юмушлари сари интиладилар.

Давлат Мадҳиямизнинг илк садоси, дастлабки сўзлари янграй бошлаши билан кўз олдимизда озод ва мустақил она Ватанимиз – Ўзбекистонимиз гавдаланади.

Шу ўринда давлатимиз Мадҳиясининг яратилиш тарихига назар солсак.

Мадҳия матни ва мусиқасини ҳаққоний баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қошида махсус ишчи гуруҳи тузилиб, унга таниқли мутахассислар киритилди. Ишчи гуруҳининг вазифаси – давлат Мадҳияси танловини ўтказишни амалга оширишдан иборат эди.

Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясида Абдулла Орипов ва Мутал Бурхонов ҳамкорлигида яратилган Мадҳия варианти қабул қилинди. Чунки уларнинг асари алоҳида жанр ҳисобланган Мадҳия талабларига жавоб берарди. Шунга ўн тўрт йил бўлибди… Ўн тўрт йилдирки Мадҳиямиз Ватанимиз озодлигини, Мустақиллигини баралла ифодалаб келмоқда.

Мустақилликдан олдин ҳам Ўзбекистоннинг ўз Мадҳияси бор эди. Аммо бу Мадҳия миллатимизнинг, мамлакатимизнинг рамзий белгиси бўла олмади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, бизнинг Мадҳиямиз халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спортчиларимизнинг улкан ғалабалари шарафига халқимизнинг ифтихори, ғурури тимсолига айланиб янграмоқда.

Озод Ватанимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат Мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни билан мустаҳкамланган Мадҳияси асрлар оша авлодлар тилида озодлик, эрк ва мустақиллик таронаси бўлиб янграйверади.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими.

СЕРДЦЕ НАШЕЙ ЖИЗНИ



(Окончание.
Начало на 1-й стр.).

На ее оенове народ Узбекистана надежно охраняет мир и стабильность в своем родном доме.

О роли и месте Конституции в новейшей истории страны написано уже много. И будет написано еще больше о ее значении, особенностях, принципах, правах и обязанностях граждан, демократических устоях, верховенстве закона, потому что **наша Конституция – сокровищница правовой мудрости и общественно-политической зоркости.**

Говоря об этом, нельзя не вспомнить, что **создание Основного Закона непосредственно связано с именем и практической деятельностью Президента страны Ислама Каримова.** Около двух лет глава государства возглавлял комиссию по выработке Конституции страны. Нет ни одной главы, ни одной статьи, ни одной правовой нормы, которые бы остались без его внимания, уточнения. Когда проект Конституции был готов, он был вынесен на всенародное обсуждение, чтобы учесть поправки, предложения, пожелания народа, и только тогда он был представлен на утверждение парламента. По такой же схеме вносились и изменения и дополнения в нашу Конституцию в начале XXI века, впитавшие в себя необходимость углубления демократических процессов в обществе и государстве.

Мы, граждане Узбекистана, можем гордиться тем, что имеем такую демократическую Конституцию. И гордимся прежде всего ее уникальностью. Наша Конституция не просто представляет собой новую трактовку общественно-политического устройства, **она во главу угла ставит главную мировую ценность – человека, его права, обязанности, взаимоотношения между людьми, взаимоотношения человека с обществом и государством.**

И тут нельзя не вспомнить статью 18 Основного Закона, в части первой которой говорится: **«Все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения».**

И в то же время Конституция гарантирует уважение к языку, обычаям и традициям всех наций и народностей, населяющих Узбекистан. А в сегодняшнем Узбекистане их свыше 130! За годы независимости в обществе сложилось уважительное, законопослушное отношение к Конституции и другим законам государства, нормам и положениям. В этом смысле мы являемся верными последователями нашего великого предка Сахибкирана Амира Темура, который повелел золотыми буквами начертать мудрые слова: **«Где царит закон, там есть и свобода».**

Мы свободные граждане свободной страны. Мы единый народ, потому что **наша Конституция обладает огромной консолидирующей ролью.** Она сплачивает народы Узбекистана в единую семью. Как показал недавний опрос общественного мнения, проведенный Центром «Ижтимоий фикр», 65 процентов опрошенных ощущают себя прежде всего гражданами Узбекистана – узбекистанцами. То есть **они на первое место ставят не национальную принадлежность, а гражданственность.** Другими словами, это свидетельствует о том, что в нашей стране **идет активный процесс формирования новой исторической общности людей, имя которой – «узбекистанцы»,** и в которую входят представители всех наций и народностей страны.

Есть еще одна важная функция, которую несет в себе Конституция, – **ее воспитательная роль.** Формируя правовое мировоззрение у гражданина, правовой кругозор и высокую правовую культуру, она воспитывает у людей уважительное отношение к атрибутам государства – Флагу, Гербу, Гимну – и тем самым укрепляет у каждого гражданина чувства патриотизма, любви и преданности Родине, гордости за нашу прекрасную землю и ее трудолюбивый народ.

Народ Узбекистана – единый, сплоченный и великий. А Вооруженные Силы страны – плоть от плоти своего народа. Народа, сплоченного на основе конституционного равенства и идеологии национальной независимости, впитавшего в себя традиции наших великих предков, опыт героев-фронтовиков и лучшие гуманистические ценности мировой и национальной культур и жизненной практики. Усилиями командиров и органов воспитательной работы, в руках которых убедительные примеры истории и сегодняшней жизни, у современного военнослужащего формируется глубокое понимание того, что он гражданин великого государства и прекрасной, благодатной земли. Он – наследник великих предков Амира Темура и Бабура, Сабира Рахимова и Кудрата Суюнова, и у него появляется естественное стремление быть достойным сыном своего великого народа, своих знаменитых прославленных предков и желание быть настоящим защитником своей независимой Родины, зорким часовым ее священных и неприкосновенных границ.

С другой стороны, консолидирующая и воспитательная роль Конституции страны проявляется в Вооруженных Силах непосредственно через гражданина. Если дружба и взаимопонимание, взаимное уважение и терпимость – одна из основ нашей внутренней политики, то молодой человек, прибывающий в армию, – носитель нашей идеологии и национальной идеи. Он воспитывался на идеях единства и взаимопонимания, дружбы и взаимопомощи, на основополагающих нормах Конституции. Все это выступает мощным побудительным мотивом ревностного отношения к службе, создает первоначальную базу для быстрого и качественного овладения воином военной специальностью и последующего роста боевого мастерства, для добросовестного выполнения им требований Военной присяги и Общевоинских уставов Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Достигнутые к началу нового учебного года позитивные результаты в боевой, оперативной и общественно-политической подготовке, о которых говорилось на недавней Военной коллегии Министерства обороны, как раз свидетельствуют о том, что значительных успехов добиваются те командиры и заместители по воспитательной работе, которые глубоко поняли, осмыслили и взяли себе на вооружение мобилизующую и воспитательную функции нашей Конституции и умело используют их в качественном решении стоящих задач по дальнейшему повышению боевой готовности, боевой подготовки и укреплению воинской дисциплины.

Консолидирующая и воспитательная роль норм нашей Конституции очень хорошо видна через призму статьи 52, в которой говорится: **«Защита Республики Узбекистан – долг каждого гражданина Республики Узбекистан».** Это правовое положение касается не только обязанностей, но и прав военнослужащих. Они обширны, поскольку охватывают различные сферы воинской деятельности – от несения службы внутреннего наряда до несения боевого дежурства, от боевой учебы до поведения в городе, от соблюдения правил воинской вежливости до умения защищать свою честь и достоинство в различных условиях.

Сегодня Вооруженные Силы в самом начале учебно-боевой работы зимнего периода обучения. Перед ними стоит комплекс задач, определенных министром обороны. Они требуют от каждого военнослужащего полной самоотдачи, огромного напряжения духовных и физических сил. Воины готовы с честью и достоинством выполнить свой долг – долг гражданина, долг патриота своей Родины, долг воина – надежного защитника страны, ее независимости, суверенитета, территориальной целостности республики и мирной жизни нашего народа. За этим стоит верность Военной присяге, народу, Родине и Президенту, постоянное стремление совершенствовать свое профессиональное мастерство, ответственное отношение к службе, безупречная дисциплина и исполнительность, высокая бдительность и постоянная боевая готовность каждого военнослужащего и каждого подразделения.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Огоҳлик – давр талаби

СЕРГАКЛИКДАН – КЎНГИЛЛАР ҲАЛОВАТИ

Алмаштирувчилар постда турган соқчига яқинлашишди. Оралиқ масофа тахминан 15 метр. Қоровул тарқатувчиси буйруқ берди: «Қоровул – тўхта!». Шундан сўнг қоровуллардан бирига пост ва унинг ёнатрофини кузатиб туриш ҳақида буюрди: «Оддий аскар Ўразбоев, пост ва унинг тевараги вақтинча назорат учун қабул қилинсин».



Янги қоровул соқчига яқинлашди. Соқчи эса у томонга юзини буриб, автоматни «елкада» ҳолатига олди. Янги қоровул тарқатувчиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зафар Раҳимов «Оддий аскар Жуматов, постга қараб – олға юр!», дея буйруқ берди.

Эски қоровул тарқатувчисининг «Соқчи, пост топширилсин!» буйруғига кўра пост топширилиши бошланди. Аввало соқчи пост рақамини айтди. Шунингдек, қабул қилиб олаётган қоровулга пост табелида кўрсатилиши лозим бўлган нарсаларни санаб берди. Сўнгра хизмат пайтида пост атрофида кўргани, пайқаганларини айтди.

Навбатдаги буйруқ янгради: «Қоровул, пост қабул қилинсин!». Шундан кейин янги қоровул тарқатувчиси билан соқчи ҳам навбатчиларнинг ўта ҳушёр туришларини таъкидлаш лозим. Уларнинг хизмат жараёнларини ҳам кузатдик.

Қисмга кираётган ҳар бир кишининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, қўлидаги юклари обдон текширилиб, қисм навбатчисининг рухсати билан бир марталик рухсатномалар ёзиб берилаяпти. Ҳужжатлар, шахс шубҳа уйғотгудек бўлса, дарҳол навбатчига хабар берилмоқда. Қисм ҳудудига у ёки бу мулк кириши, чиқишини қатъий назорат қилишяпти. Хуллас, сергаклик, ҳушёрлик асосий қуроли, уларнинг.

– Назорат-ўтиш жойида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Жамолиддин Аъзамов навбатчилик қилмоқда. У 2005 йилда сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаган. Навоийлик бу посбон профессионалларимиздан. Унинг ёрдамчиси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Султон Худойбердиев ўз вазифаларини қуйидагича санаб берди: «Қисм ҳудудига офицер, сержант, аскар ва Қуролли кучлар хизматчиларини шахсий гувоҳномаларини кўздан кечириб, текшириб ўтказаман. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг эса жавоб бериш қоғози ёки таътил билети бўлмоғи лозим. Бир маротабалик рухсатномаларни ҳам текшириб оламан. Унга қайдлар қўйилган, қўйилмаганини текшираман. Шундан ташриф буюрувчи белгиланган жойга борган, бормагани аён бўлади. Ҳужжатлардаги суратларга эътибор қаратишга тўғри келади. Ташриф буюрувчиларнинг юкларини синчиклаб кўздан кечирамиз. Фақатгина йўл варақаларига эга бўлган транспорт воситаларини ташқарига чиқараман. Айнан ана шундайин ҳушёрлигимиз сабаб нохуш воқеаларнинг олдини оламиз».

– Назорат-ўтиш жойидаги, қоровуллик хизматидаги ҳушёрлик, сергаклик сабаб истиқлол айёмида қондабузарлар қўлга олинди. Олдимизда байрамлар, тантаналар кўп. Конституциямиз қабул қилинган кун тантана қилинаётган шу дамларда ҳам юксак жанговар шайликка, огоҳлик, сергакликка улкан эътибор қаратганмиз, – дейди тарбиявий ишлар бўлими катта офицери катта лейтенант Жамол Қодиров.

Осойишталигимиз, тинчлигимиз ҳимоясига шай ўғлонларимиз бор экан, улар доимо ҳушёр, бедор экан, уйқуларда ҳаловат бўлади, кўнгилларда ҳаловат бўлади.

Майор
Шерзод ТОЛМАСОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

ВОЕННАЯ ПРИСЯГА

КЛЯНУТСЯ В ВЕРНОСТИ НОВОБРАНЦЫ

Сегодня воины-новобранцы подразделения, где командиром майор Б.Турдиев, уже осваивают программу боевой и общественно-политической подготовки. Но еще свежи в их памяти воспоминания о том дне, когда они принимали Военную присягу.



Территория воинской части в праздничном убранстве. Родные и близкие молодых воинов с букетами цветов создавали атмосферу торжественности и праздника.

– Рядовой Дехконов!

– Я!

Спортивного телосложения юноша вышел из строя. Поначалу от волнения дрогнул голос. Но постепенно неуверенность воина прошла, и голос рядового Гафуржона Дехконова зазвучал твердо и уверенно:

– …Клянусь свято соблюдать Конституцию и законы Республики Узбекистан… быть честным, храбрым и бдительным воином.

В эти слова рядовой Гафуржон Дехконов из Наманганской области вложил всю душу и твердость характера. Наблюдавших за ним в эти минуты отца Кобилжон-ака Дехконова и бабушку Угилхон Джалилову охватила гордость за своего сына и внука.

С гордостью произнесли слова присяги: «…Клянусь во имя светлого будущего родного Узбекистана быть достойным защитником его государственных интересов и независимости» рядовые Фарход Хусанов из Андижана, Самондар Эгамбердыев из Ферганы, Дилшод Олимов из Намангана.

– Спросите любого мужчину старшего поколения, – сказал в беседе отец рядового Дилшода Олимова Абдумуталлака, – что является самым памятным днем в вашей жизни? И каждый, не задумываясь, ответит – день принятия Военной присяги. Я уверен, что этот день навсегда останется в памяти молодых людей и будет им всегда напоминать о главной их ответственности перед родителями, братьями и сестрами – защите их безопасности, мирного созидательного труда узбекистанцев!

В этот день родные и близкие, друзья и одноклассники пришли поздравить также и рядовых Гилера Джураева из Ферганы, Шодиера Турдиева из Андижанской области, Аброржона Бурханова из Ферганской области и многих других.

Что ж, теперь мирный покой нашего народа будет зависеть и от новобранцев. Отныне их главная задача – совершенствовать боевое мастерство и повышать уровень общественно-политической подготовки.

Майор З.ХАЙРИТДИНОВ.

ПОСБОНЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Офицер Раҳматилла Абдумаликов етакчилик қилаётган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқув жараёнини таъминлаш батальони ёш аскарларининг тантанали Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.



Эрта тонгдан ҳарбий қисм ҳудуди байрамона тус олди. Эгнига ҳарбий либосни илиб, ҳақиқий мардлар сафида хизматни бошлаган азиз фарзандларининг унутилмас кунида қувонч ва шодлигига шерик бўлишни истаган ота-оналар ва бошқа дўсту яқинлар юртимизнинг турли жойларидан тантана бўлаётган жойга оқиб кела бошладилар. Ҳарбий қисм саф майдонини тўлдириб, бир текис тизилишган ёш аскарларга қараб кўзлар қувнайди. Улар ҳарбий хизматга кузги мавсумда чақирилган, дилларида ғайрат-шижоат оташи жўш уриб турган оловқалб асл шунқорлардир. Барчаси тегишли кўрик-танлов ҳамда синовлардан муваффақиятли ўтган асл сара ўғлонлар. Мана, ўтган қисқа вақт мобайнида дастлабки қўникма машқларини пухта ўзлаштириб, бугун чин йигитлик онтини ичишмоқда. Буни эса тантана иштирокчилари қувонч билан кузатиб туришибди.

Ниҳоят, батальон командири ёш аскарларга, «Тепислан, рослан!» дея жанговар буйруқни бериб, билим юрти масъул офицери полковник Тоғаймурод Шариповга шахсий таркиб бугунги тантанага тайёр экани ҳақида билдирув берди. Шундан сўнг ҳарбий хизмат остонасидан ўтиб дастлабки пиллапояга қадам қўйишга шай турган ёш аскарларга Ҳарбий қасамёд қабул қилиш учун рухсат этилди. Шунқорлар дилларида мавж урган матонат ҳисларидан тўлиб-тошиб, бирин-кетин халқига, она Ватанига, Президентимизга ва ичган қасамига ҳамиша содиқ қолишга тантанали қасамёд қилдилар. Шу ондаёқ уларга она диёримизнинг ҳақиқий ҳимоячилари сафидан ўрин олганларининг тасдиғи сифатида ҳарбий гувоҳнома ҳам топширилди. Шахсий таркиб тўласинча қасамёд қабул қилиб бўлгач, уларни командирлари, ота-оналар ва бошқа меҳмонлар сўзга чиқиб табриклашди.

– Азиз фарзандларим, сизларга она Ватан, ота-оналарингиз-у барча юртдошларингиз умид билан кўз тикиб турибди. Сиз бизни, барчамизнинг осойишталигимизни қўриқлайсиз. Бу сиздан катта масъулият талаб қилади. Доимо аҳдингизга содиқ бўлинг. Бурчингизни виждонан адо этинг. Мен юртимиздаги барча оналар номидан сиз азиз фарзандларимга доимо омад, ютуқ ва эзгуликлар тилашдан бахтиёрман! – деди қасамёд қабул қилган ёш аскар Ҳамидулла Отахоновнинг онаси Убайдахон опа кўзларида севинч ёшлари билан.

Тантанага ташриф буюрган бошқа иштирокчилар билан суҳбатлашганимда, улар ҳам бугунги шодиёнадан хурсанд эканликларини баён қилдилар.

– Кенжа укам Элёрнинг қувончига шерик бўлиш учун етиб келдик, – деди Тошкент ҳарбий округида хизмат қилаётган офицер Зоҳиджон Ҳожиаҳмадов. – Биз онлада саккиз ака-укамиз, шулардан бештаси ҳозир ҳарбий хизматда, ҳаммаси офицер, – деди у фахр билан. – Кенжамиз ҳам ҳарбий бўлмоқчи. Шу боис доим спорт билан шуғулланиб, билимини ошириб келган. Бугун эса чинакам посбон бўлди.

– Акаларимни кўриб, менда ҳам ҳарбий соҳага ҳавас уйғонди, – деди Элёр унинг сўзларини қувватлар экан, алоҳида ғурур билан. – Мана, аскарлик хизматини бошладим. Жанговар санъатга онд билимларни қунт билан эгаллаб, муддатли хизматни адо этгач, келажакда албатта офицерликка ўқишга қатъий аҳд қилдим.

– Ҳарбий хизмат тасаввур қилганимдан ҳам аълороқ экан. Аскарлик ҳар бир йигитнинг ҳаётида муҳим ўрин тутишига асло шубҳа йўқ, – деди яна бир ёш аскар Азамат Дўстқулов. – Мана, бугун чинакам мардлар сафидан ўрин олдик. Қувончли кунимга Самарқанддан отам Салоҳиддин Дўстқулов ҳам етиб келиб, шодлигимни янада оширди. Барча сафдошларим қатори мен ҳам бу кунни умрбод унутмайман. Шу пайтгача жанговар санъат илмидан сабоқ бериб келаётган командирларим катта лейтенантлар Соҳиб Имомов, Ренат Фатҳиддинов ва бошқа барчасига миннатдорчилик билдириб, ҳеч қачон уларнинг юзини ерга қаратмасликка сўз бераман.

Ҳарбий қасамёд тантанаси ТОУҚБЮ ҳарбий оркестр жамоаси томонидан тақдим этилган тантанали концерт дастури билан давом этди. Тушликда қасамёд қабул қилган ёш аскарларга миллий урф-одатларимизга мос тарзда байрамона дастурхон тузалиб, таомлар шоҳи бўлган палов тортилди. Ҳарбий қасамёд тантанаси барчада ўчмас таассурот қолдирди.

Катта лейтенант
Дилшод ҲАКИМОВ.
Тимур КАРИМОВ
суратга олган.

ҚАСАМЁД ҚАНОТ БАҒИШЛАДИ

Ҳозирги вақтда Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланмоқда. Яқинда офицер Б.Солиев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам ёш посбонларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанада ҳокимият вакиллари, ота-оналар ва меҳмонлар қатнашдилар.

Ёш аскарлар ғурур ва ифтихор билан Ҳарбий қасамёд қабул қилишаркан, она Ватанга хизмат қилиш, эл-юрт осойишталиги йўлида жонфидо бўлишга астойдил қасамёд қилишди.

–Сўнгги нафасим қолгунча она Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан…

Ёш аскар Иномжон Тожибоевнинг ҳаяжон ва комил ишонч билан қабул қилган қасамёди йиғилганларни тўлқинлантириб юборди.

Иномжоннинг бобоси Маҳмуд ота сўзга чиқиб, ёш аскарларни сидқидилдан табриклади. Ёшларга давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёзлар ва имкониятларнинг кенглигидан қувониб, уларни янада шиддат билан хизмат қилишга даъват этди.

Ёш аскар Зокир Умаровнинг онаси Зевара опа ҳам фарзандининг ҳарбийлик либосида виқор билан қасамёд қилганлигини кўриб кўкси ифтихор туйғусига тўлиб-тошганини таъкидлаб ўтди.

Садоқат ва матонат бугун ҳар бир аскар юрагига жо бўлган. Ватанга содиқлик билан хизмат қилишда улар ўз мардликларини кўрсатишларига ишонамиз.

Капитан Чори ЭРГАШЕВ.

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

МАМЛАКАТ ЭРТАСИ, УМИД, ИШОНЧИ



Тошкентда бўлиб ўтган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг иккинчи қурултойи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилди.

Мазкур тадбирда «Камолот»нинг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларидан делегатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, маънавият-маърифат соҳаси вакиллари иштирок этди.

Ёшлар қурултойи Давлатимиз мадҳиясининг жарангдор наволари билан бошланди.

Анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўтган беш йил давомидаги фаолияти тўғрисида маъруза қилинди.

Айни дамда республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил қилади. «Камолот» ташкил топган кундан бошлаб шу кунга қадар мамлакатимиз ёшларини ўз атрофига жипслаштириб, тўплай олди. Бугунги кунда ушбу ташкилот юртимизнинг 4,6 миллион нафардан зиёд йигит-қизларини бирлаштирувчи энг йирик жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Республиканинг барча туман ва шаҳарларида ҳаракатнинг бўлимлари мавжуд. Ҳаракат фаолиятини ташкил этишда 980 нафар ёшлар, 3070 та йирик бошланғич ташкилот етакчилари ҳизмат қилишмоқда, шунингдек, йигирма мингдан зиёд фаол ёшлар яқиндан кўмак беришяпти. «Камолот» таркибида унинг ҳомийлигида фаолият кўрсатадиган «Камалак» болалар ташкилоти тузилган. Унинг 4,2 миллион нафардан ортиқ аъзоси бор. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифа ва мақсади – ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўғил-қизларимизда миллий истиқлол ғоясига асосланган мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиб келинади. Чунки мамлакатимиз, халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, Ватанимизнинг буюк келажаги энг аввало, ёшларга, уларнинг баркамол ва ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб улғайишларига боғлиқдир. Мамлакатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунчилик базаси яратилган. Уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга оширишда ҳам катта ишлар қилинди. Мактаблар, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқитиш жаҳон андозаларига мос келадиган такомиллашган янги таълим стандартлари асосида йўлга қўйилмоқда.

Буларнинг барчасида мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларга нисбатан ғамхўрлик ва эътибор, эртанги кунга онгу шуури миллий истиқлол ғоялари билан юксаклашган, камолга етган авлод билан замин ҳозирлаш акс этиб турибди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати улкан куч ҳисобланади. У мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларига ҳам кириб борди. У ерларда ҳам мусаффо тоғ булоқлари каби қайнаб-тошган истеъдодлар бор. Ҳаракат ана шундай юзлаб зилол чашмаларни кашф этди.

Ёшларимизнинг улкан анжуманида ўтган беш йиллик фаолият чуқур таҳлил қилинди. Унда «Камолот» томонидан амалга оширилган салмоқли ишлар таъкидлаб ўтилди. Ёшларга ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, касбга йўналтириш ва ўқитиш, иш билан таъминлашга ёрдам берувчи ижтимоий хизмат марказларининг ташкил этилиши ҳам шулар жумласига киради.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам «Камолот» фаолиятида асосий соҳалардан ҳисобланади. Бу борада маҳаллалар, ўқув юртларида турли тадбирлар ўтказилмоқда, қўлланмалар, кўргазмали тарғибот воситалари чоп этилмоқда. Қурултой беш йиллик фаолиятнинг холис таҳлили бўлди, десак янглишмаймиз. Унда сўзга чиққанлар сўнгги пайтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам мавжудлигини, улар ҳаракатнинг Низом ва Дастурида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаётганини таъкидладилар. Бу, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил 10 октябрдаги қарорида қайд этилганидек, биричи галда, ёшларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш, уларга жамиятимизни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишда кўмаклашиш масаласига тегишлидир. Ҳаракат фаолиятида расмиятчилик, юзакилик, тадбирларни шунчаки ҳисобот учун ўтказиш, ёшларнинг ҳаётий муаммоларидан узоқлашиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Олис туманларда истиқомат қилувчи ёшлар «Камолот»нинг эътиборидан бироз четда қолгандек. Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, замонавий дунёқарашни шакллантириш, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратилмаяпти. Ўқув юртларини тамомлаган битирувчиларни ишга жойлаштириш, ёш мутахассисларга малака оширишда кўмаклашиш борасида ҳам олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас. Ёш фермер ва тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаяпти.

Булар ўз навбатида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши, ёшларга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ваколатли вакили бўлиши учун ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб этади. Белгиланган вазифаларни амалда бажариш тизимини ташкил этиш, ёшларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, давлат ва жамоат тузилмалари, ёшлар халқаро ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириши лозим. Мазкур йўналишлар қурултой делегатлари муҳокамасига ҳавола этилган янги таҳрирдаги Низом ва Дастурида ўз аксини топди.

«Камолот»нинг Низом ва Дастурига зарур қўшимча ва ўзгартириш киритиш мақсадида тузилган махсус марказга республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшлардан беш мингдан ортиқ таклиф тушди.

Янги таҳрирдаги Дастурда «Камолот» ўз фаолиятини амалга оширадиган олтита асосий соҳа белгилаб олинди. Булар – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида маънавият ва маърифат, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар, истеъдодли ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этишдир.

Янги Низомда ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ёрдам марказлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантиришда бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга ҳаракатнинг ташкилий тузилмаси, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Эндиликда унга 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳар бир йигит-қиз аъзо бўлиши мумкин.

Анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида «Ёш куч» журнали бош муҳаррири Юсуф Жўраевнинг маърузаси тингланди.

Қурултойда республикамизнинг турли жойларидан делегат бўлиб келган ёшлар – Ўзбекистон Миллий университетидан бошланғич ташкилот етакчиси С.Жўрабоев, Наманган вилоятидан ҳарбий хизматчи Б.Исломов, Жиззах шаҳридан 22-мактаб ўқувчиси Ю.Ҳамроқулова, Андижон вилоятидан А.Нурматов, Навоий шаҳридаги Т.Турдиев ва бошқалар ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада жонлантириш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар ўз чиқишларида ҳаракат аъзоларини янада фаолликка чақирдилар.

Делегатлар муҳокамасидан сўнг ҳаракатнинг янги таҳриридаги Низоми ва Дастури қабул қилинди.

Қурултойда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг марказий кенгаши таркиби сайланди. Акром Алимов Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

Ёшларнинг улкан анжуманида Қуролли Кучларимиздан ҳам вакиллар иштирок этдилар. «Камолот»нинг армия билан ҳамкорлиги кейинги вақтларда айниқса сермаҳсул бўлмоқда. Миллий армиямиз таркибининг асосий қисми ёшлардан иборат эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ҳамкорликнинг диққатга сазоворлигини англаб олиш қийин эмас. Айни кунда армиядаги янгича анъаналарда «Камолот»нинг ҳам тенгсиз ўрни бор.

Офицер Жўрабек Бозоров:

– Қурултой баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. У ўз фаолиятини холис баҳолади, дейиш мумкин. Улкан анжуман олдимизга масъулиятли вазифаларни қўйди. Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори биз учун улкан вазифаларни бажаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Офицер Тоҳир Матмусаев:

– Қурултойда «Камолот» томонидан амалга оширилган кўпдан кўп ишларга юксак баҳо берилди. Ўз навбатида унинг фаолиятидаги айрим камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Холис, танқидий таҳлилнинг натижаси ҳамиша самарали бўлади. Анжуманда мамлакатимизнинг турли чеккаларидан келган ёшлар билан мулоқотда бўлдик. Улар билан мулоқот чоғида юртимиз эртаси баркамол инсонлар қўлида бўлишига яна бир бор амин бўласиз.

Офицер Мансур Асрақулов:

– Анжуманда «Камолот»нинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Ҳаракатнинг янги таҳрирдаги Низоми ва Дастури бу ишни амалга оширишда муҳим омил бўлади. Қурултойда кўплаб вазирлик вакилларининг иштироки ёшлар мақсад-интилишларини қўллаб-қувватловчи ҳамкорлик янада кўпайишига умид уйғотади.

Офицер Фазлиддин Асланов:

– Юртбошимизнинг «Билим ва курашга ташна ўғил-қизларимизни бағримга босиб айтмоқчиман: Сиз – Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз! Сиз – буюк юрт фарзандисиз!» деган сўзларида мен қудратли бир даъватни ҳис қиламан. Даъватки, буюк келажакка ишончдан руҳ олган. Қурултойда қатнашар эканман, ёшларнинг катта куч эканлигини, юрт ишончини оқлайдиган фарзандлари бисёр эканлигига яна бир амин бўлдим. Халқ ишончи, юрт ишончи ёшларга қанот бўлиши шубҳасиз.

21.05 «Дилкаш наволар»: Анвар Саиаев.
21.30 «Телекурьер-маркет».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.25 «Қирол Артур».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

12.00 «Проф-РИНГ».
12.50 «Мусиқий марафон».
13.40 «Аптека эшитади».
18.00 Мультфильм.
18.30 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Спорт унк-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Жияичалар».
Бадиий фильм.
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Юлдузлар муз устида».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Астрологический прогноз

ОВЕН Не позволяйте пользоваться вашей добротой в корыстных целях. Умейте сказать «нет». Не давайте волю чувствам и эмоциям при общении с родственниками — этим вы можете поставить себя в неловкое положение.

ТЕЛЕЦ Вам придется не один раз отстаивать свою точку зрения перед окружающими. Старайтесь применять веские аргументы. Для достижения целей необходимо проявить инициативу. Избегайте конфликтных ситуаций.

БЛИЗНЕЦЫ Начало недели окажется сложным временем. Очень рекомендуется показать во всем блеске свой профессиональный уровень. Перед вами могут открыться новые профессиональные перспективы.

РАК Стоит задуматься о поездке, которая состоится в декабре. Возможны конфликты на работе, поэтому лучше поменьше общаться с коллегами и пореже попадаться на глаза начальству.

ЛЕВ Постарайтесь, чтобы усталость не сказывалась на ваших семейных отношениях. Стоит побалов

ИНСОНПАРВАРЛИККА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

10 декабрда дунё жамоатчилиги Халқаро инсон ҳуқуқлари кунини қарши олади. Келинг, шу ўринда Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқларидек устувор масалага қай даражада эътибор қаратилганини қисқача кўриб ўтайлик.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчлари тўғрисида ҳаётимиз Қомусидаги қоидаларни аввалги Конституцияларга солиштирсак, истиқлолимиз шарофати билан юзага келган янги ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошиши кафолатланиши кучайтирилганини ҳис қилиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни кафолатлашдек устувор вазифалар уч асосий йўналишга эга.

1. Конституциямизда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни доимо шакллантириб бориш, тараққий топтириш ва бойитиш.

2. Фуқароларимизнинг амалдаги ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва ҳуқуқий томондан таъминлаш.

3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғри амалга оширилишини таъминловчи, кафолатловчи конституциявий тамойилларни оғишмай татбиқ эта бориш.

Барчамизга яхши маълумки, Бош Қомусимизнинг катта бир бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» дея номланиб, у еттита бобдан ташкил топган. Улар билан танишиб туриб, мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича тус олганини, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасида демократияга асосланган янгича муносабатлар пайдо бўлганини англаш мумкин.

«Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосимиз бор. Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди», деган эди Юртбошимиз. Бунга кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин.

Масалан, Конституциямизнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар бобида умумэътироф этилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқаро эталон сифатида қаралади. Қолаверса, Асосий Қонунимизда айнан мазкур декларациядаги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдаги, қолаверса, умумэътироф этилган ўттиздан зиёд энг муҳим халқаро ҳужжатлардаги асосий қоидалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, Бош Қомусимизда БМТ низоми, Хельсинки якунловчи акти, Париж ва Мадрид хартияларининг принципиал қоидалари мужассамлашган.

Мамлакатимизни дунё тан олди, халқаро майдонда нуфузга эга бўлиб бормоқдамиз. Бунинг замирида Конституциямиз ҳам ётишини айтиб ўтиш лозим. Яъни Бош Қомусимиз орқали Ўзбекистонда барча миллат ва элатларнинг ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамкорликда яшашларига ҳуқуқий пойдевор яратилган. Мамлакатда яшовчи халқларнинг, элатларнинг ҳуқуқлари, тенглиги, ўзаро ҳамкорликка, дўстликка асосланган демократик тамойиллари халқаро майдонда обрў-эътиборимиз ошишига хизмат қилмоқда. Аммо биз танлаган йўлни кўролмасдан турли бўҳтонлар, ахборот хуружлари ёғдиришга уринишлар ҳам учраяпти. Масалан, яқинда АҚШ давлат департаментининг Ўзбекистонни «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритгани кенг жамоатчилигимизни ҳайратга солгани рост. Бу асоссиз қарорнинг замирида қандайин мақсадлар ётгани номаълум. Фақат шу нарса маълумки, давлатимизнинг ички ишларига аралашиш, дунё жамоатчилигида нотўғри хулосалар шакллантириш «демократия ҳимоячиларининг» бу қадриятни «бўғишга» уринишидан бўлак нарса эмас. Бундай дейишимизга асосларимиз бор.

Аввало мамлакатимизда эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келаётганини амалда кўриб, билиб турибмиз. Бунинг асоси бўлиб, сўз юритаётганимиз – Конституциямиз хизмат қилади. Масалан, Асосий Қонунимизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деб ёзиб қўйилган. Шунингдек, 61-моддада «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди», дейилган. Қолаверса, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунимиз мамлакатда эътиқод эркинлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунни оладиган бўлсак, унинг 22-моддасида рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан озод этилиши кўрсатилган. Мисол керак бўлса, яна бир қанчасини қалаштириб ташлаш мумкин. Буларнинг бари эътиқод эркинлигини таъминлаш, бу борадаги ҳуқуқларни ҳимоялаш, кафолатлаш бўлмай нима? Агар бундайин ҳуқуқ ва эркинликлар бўғилаётган бўлса, мамлакатимизда 18 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув яшашармиди? Қолаверса, дин вакиллари ўртасида мамлакатимизда бирон бир зиддиятли ҳолат қайд этилмаган бўлса.

Сувни лойқалатсанг, тубида нима борлигини билолмайсан. Атайлаб лойқалатиш эса унинг тубидагиларни билиш, кўришни хоҳламасликдандир. АҚШ давлат департаментининг қарори ҳам шунга ўхшайди.

Маълумки, Конституциямизнинг муқаддимасида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, тинчлик-фаровонликка, ҳуқуқий демократик ва инсонпарвар жамият қуришга бўлган интилиши, хуллас бугунимиз, нурли келажагимиз йўлидаги мақсадларимиз аниқ-равшан ифодасини топган. Шунинг ўзиёқ Конституциямизнинг танлаган истиқлол ва тараққиёт йўлимизни ёриттувчи йўлчи юлдуз эканлигидан, юртимизда инсонпарварлик, адолат тушунчалари ўзига хос бир қадрият даражасига кўтарилаётганидан, инсон ҳақ-ҳуқуқларига устувор эътибор қаратилаётганидан. Қолаверса, бу Ўзбекистоннинг ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил одимлаётганидан.

Майор Алижон САФАРОВ.

ЖАҲОНДА ТЎРТИНЧИ ОРГАН – ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Консерватория мамлакатимизнинг мусиқа ижрочилиги, бастакорлик ва мусиқашунослик соҳаларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг асосий маркази сифатида миллий санъатимизнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Юқорида айтганимиздек, ушбу консерватория махсус орган залига ҳам эга бўлди.

Орган – юнон сўзидан олинган бўлиб, қурол, асбоб деган маънони беради. Орган – дамли клавишли мусиқа чолғу асбоби ҳисобланиб, турли ўлчамдаги ёғоч ва металл қувуралар тўпламидан, пневматик тизим, яъни ҳаво ҳайдовчи қурилма ва ҳаво ўтказгичлардан ҳамда бошқариш минбаридан ташкил топган бўлади. XIV асрдан орган Ғарбий Европада аввал черков, кейинчалик дунёвий чолғу асбоби сифатида кенг тарқалган. Асосан якканавоз мусиқа асбоби сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда орган учун биринчи асарларни Г.Мишель ёзган. У 1947 йилда «Сюита», 1948 йилда «Орган ва виолончель учун поэма» каби мусиқа асарларини яратган. Ўзбек орган усталаридан Р.Каримова, Т.Левина, М.Аминова ва бошқалар дунёга танилган созандалардир. Орган чолғусидан янграган ҳар қандай куй тингловчини сеҳрлаб, ўзга бир оламга тушириб қўяди. Қуйда, мусиқада сеҳр бор, дейишади. Чиндан ҳам юксак маҳорат билан ижро этилган куйларнинг кўнгилларни сел қилувчи сеҳри бор. Ҳар қандай чолғу асбобидан янграган наво кишининг юрак торларини чертиб, руҳига енгиллик, дилига хушкайфият, сокинлик бағишлайди. Куй анъанавий ҳамда бастакорлик мусиқа ижодининг энг қимматли бадиий воситаси ҳисобланиб, унда тарихий ва маҳаллий услублар, миллий оҳанг ҳамда мусиқий тушунчалар ўз аксини топади. Ўрта асрлар туркий адабиётида Абдулқодир Марағиий, Навоий куйни кўг (баъзан – кўк) деб аташган:

Дедим таронае жонбахш мутрибо, сен худ
Фироқ сози тузуб ултурур кўги чолдинг.
(Навоий, «Хазойин ул-маоний»).

Куй инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товушлар изчиллигида акс эттиради. Куй инсон маданиятида ва жамоавий ҳаётда ўзига хос ўринга эгадир. У дам олиш пайтлари, турли маросим, байрам, базм ва сайллар, оммавий ва ҳарбий юришлар, спорт машқлари ва меҳнат жараёнида муайян вазифаларни бажаради.

Жумладан, инсонлар асабини дам олдирувчи мусиқа кўпроқ мумтоз мусиқа ҳисобланади. Миллий мусиқа асбобларидан ижро этилган лирик куйлар асабларнинг дам олишига, тинч-сокин ҳолатга келишига катта ёрдам беради. Европа мусиқа асбоби ҳисобланган орган чолғусидан таралган куйлар ҳам инсон қалбларига ўзгача бир хушнудлик, тароват, нафосат бахш этади. Биз қуйида ушбу орган ва консерваторияда ташкил этилган орган зали ҳақида сўз юритмоқчимиз.

– Муҳтарам Президентимиз янги консерватория биносини кўздан кечирар эканлар, – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Дилоро Муродова, – ушбу зални орган зали бўлади, деб айтган эдилар. Шундан сўнг, бошланган саъй-ҳаракатларимиз натижасида, консерваториямизда замонавий орган зали ишга туширилди. Унга ўрнатилган орган ўзининг техник жиҳати, ташқи кўриниши, айрим йўналишли эмас, балки турли мусиқа асарларини ижро этилиши билан жаҳонда тўртинчи ўринда туради.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда дунёда мавжуд бўлган органлар орасида Ўзбекистон давлат консерваториясида ўрнатилган ушбу органни ҳеч қандай муболағасиз ноёб чолғулар сирасига киритиш мумкин экан. Унинг умумий оғирлиги – 22 тонна бўлиб, баландлиги – 11,5 метрни ташкил этса, энига – 9 метр, чуқурлиги – 3,5 метрни ташкил қилиб, 3000 та аллюмин қувурадан иборатдир. Органнинг 50 регистрли тузилмасида барча товушлар бир текисда садоланиб, оҳанглар турли тембр бўёқлари билан турланади. Шу билан бир қаторда мазкур органнинг безатилишида айнан ўзбек анъаналарига хос миллий амалий безак, тиллакорлик, архитектура, наққошлик санъатларининг тажрибаси кенг қўлланилган. Қолаверса, орган чолғусининг кўринишида, хусусан, нурдек порлаб туришида ҳам халқимизнинг назокатли дили ўз ифодасини топган. Чолғунинг фойдаланиш бўйича қўйиладиган шарт-шароитлари Ўзбекистоннинг иқлимига мос тушганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

– Бир йил давомида орган ўрнатилган зални қайтадан махсус таъмирдан чиқардик, – дейди ректор ўринбосари Тўрабек Маҳмудов. – Саҳна, пол, залнинг деворлари ва юқори қисми немис технологияси асосида таъмирланди ва жиҳозланди. Германиялик машҳур орган устаси Вольфганг Эйзенбардете шахсан ўзи ушбу зални қабул қилиб олди.

Орган икки ой давомида еттита германиялик ва ўн битта ўзбекистонлик мутахассислар томонидан йиғилди. Уларга В.Эйзенбардете бошчилик қилди. Унинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган орган чолғуси ишлаб чиқарувчи фирмаси шу кунга қадар 100дан зиёд орган яратган. Ушбу органнинг бундан олдингилари Ригада, Германиянинг Кольн саройида ва Москва консерваториясида ўрнатилган.

Органнинг очилиш маросимида, шундай бир анъана бор. Бирор бир германиялик органчи, машҳур немис бастакори Иоганн Бахнинг асарини ижро этади. Консерватория ректори Д.Муродованинг таъкидлашича, бу сафар ушбу анъана бошқача тус олибди. Яъни, машҳур немис органчиси Людвиг Рукдешель И.Бахнинг асарини чалишидан олдин, юртимиз мадҳиясини ижро этибди. Бу эса, германиялик мутахассисларнинг Ватанимизга, халқимизга бўлган чексиз ҳурматининг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирги кунда консерваторияда талабалар билан орган чолғусида куй чалиш машғулотлари олиб борилмоқда. Машғулотни доцент Мунира Аминова ўтказмоқда. Шунингдек, янги ўрнатилган орган залида концертлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўрнатилган классик органнинг техникавий ва бадиий жиҳатлари турли услубдаги мусиқий асарларни ижро этиш учун барча имкониятларга эга.

Ишончимиз комилки, ушбу орган жаҳон ва ўзбек мусиқа дурдоналарини тарғиб этишда, шунингдек, ёшларимизни баркамол инсон бўлиб улғайишида улкан ҳисса қўшажак.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.





МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ



Дўппи қадимдан эрон ва туркий халқлар орасида кенг тарқалган миллий бош кийими бўлиб келган. Бошқа халқлар дўппиларидан ўзбек дўппилари ўзига хос шакли, безаги билан фарқланади.

Дўппи– ўзбек халқининг дунёси, қалби ҳисобланади. Унда халқимизнинг дунёқараши, фалсафаси, бадиий диди ва муҳандислик билимлари мужассамлашган. Дўппининг ташқи кўриниши оддий. Эътибор қилсангиз, ўзбекларнинг уйининг ҳам ташқи томони оддий, ичи бутунлай ўзга олам, ўзбекнинг асл ҳаёти ичида. Зеро, ўзбеклар зоҳирга эмас, ботиний ҳаётга, ички маънавий гўзалликка қизиқиб келган. Дўппининг тур ва хиллари кўп: Чуст, Марғилон, Андижон, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё дўппилари, сетора дўппи, нозик дўппи, чоргул, ироқи… Бироқ ҳамма томони текис ва тўртбурчак бўлган бу дўппиларнинг тикилиш усули ҳар хил бўлса-да, камтарин ва хокисорликда бир хилликка эга. Дўппи ва ўзбекнинг ички дунёси бир хил бўлгани учун ҳам халқимиз уни суяди, бошидан қўймайди.

Дўппи оддий кўрингани билан тузилиши ва тикилиши жиҳатдан анча мураккаб ва сермеҳнат. Дўппи уч қисмдан– тепа (айлана ва тўртбурчак шаклида бичилади), кизак (гардиш шаклида) ва жиякдан тузилиб республикамизнинг турли жойларида турлича безатилади.

Унинг тўрт тарафи, ҳар тарафининг гулдор девори бор, товланувчи қора жиякдан гардиш солинган. Устки қисми гумбазсимон бўлиб, тенг катталикдаги тўрт қисмдан иборатки, бу қисмлар конус шаклида. Дўппилар асосан бахмал, сидирға, шойи каби юмшоқ матоларга сатин, ипак ва зар иплар билан қашта тикиб тайёрланади. Тайёрланган жойи ва мўлжалланган кишиларнинг ёши ва жинсига кўра дўппилар хилма-хил ва ранг-барангдир.

Дастлабки дўппилар шакли учли ва салла билан кийишга мўлжаллаб кизаги кенг жиякли қилинган. Йиллар ўтиши билан дўппиларнинг шакли ўзгарди: тепаси думалоқ ёки мурабба шаклига эга бўлди, кизагидаги жияги ингичкалашди.

Дўппини столга қўйиб қараганда миттигина масжид нусхасини кўрамиз. Унинг оддийлиги, қулайлиги ва чиройлилиги кишини ҳайратга солади. Айни чоғда масжиднинг ўзи, гумбази, қуббалари, улар узра юксалган ярим ой тимсоллари нималарни англатиши ҳақида ўйлаймиз. Дўппининг тўрт тарафи– заминимизнинг тўрт томони бўлиб, оппоқ гулли гумбази–юлдузли осмон суратини ифодалаган. Асрлар давомида дўппиларга нақшлаб келинган миллий тилсимларда биз ана шундай мухандислик ва гўзалликнинг ечимини кўрамиз.

Бозорларда дўппи сотадиган расталарни айланиб юрган кезингизда, расталарга териб қўйилган дўппиларни кўриб кўзингиз қувонади. Ҳаммаси дўппи-ю, аммо юзлаб ўзига хосликларни кўрасиз. Ҳар бир дўппи машаққатли ижод маҳсули эканлигининг гувоҳи бўласиз. Ўзбекистонда бир қанча дўппидўзлик мактаблари мавжуд. Чуст ва Марғилон, Андижон ва Қўқон, Тошкент ва Шаҳрисабз, Бухоро ва Самарқанд мактаблари кўп асрлик тарих ва анъаналарига эга. Бу ижод масканларида яратилган дўппилар бир-бирларидан сезиларли фарқланиб туради. Дўппиларда муайян водий ва воҳа аҳолисининг руҳий, маданий ва урф-одатларига ўхшаш ўзига хосликлар акс этади.

Фарғона водийси шаҳарларида яратилган дўппиларда мангу баҳор тасвирланади. У чинакам амалий санъат асари ҳисобланади. Унда табиат ва инсон қалби уйғунлигини кўрамиз. Шу сабабли ҳам бу ерда яратилган дўппилар кишига кўтаринки руҳ бағишлайди. Дўппилардаги нақшлар ёш, қаламқош, қорасоч қиз-йигитларнинг қуралай кўзига ўхшайди. Ҳатто қуйи қатор думалоқ шаклли гуллар беҳисоб қоракўзлар, устки қайрилма қалампиргул шакли эса, қайрилмақош ва унинг соясидаги қуралай кўзга ўхшайди. Фарғона водийсида яратилган дўппиларга аёллар ўз қалбининг суратини тикадилар. Шу боис бу дўппиларни кийиб юрган йигитларни бошида аёл қалбини олиб юради, деб айтишимиз мумкин.

Халқимизда, қовун қовундан ранг олади, деган ҳикмат бор. Дўппи ҳам тарбиячи: кийиб юрган одамни ўзига кўниктиради.

Қоп-қора сатинга қордайин оппоқ гул солинган Марғилон дўппиларини кўрганда, улардаги нафис нақшлар кўзингизни қувонтиради. Улар худди чинни ва рубоб торидай жаранглаб турганини сезамиз, шу боис кўнглимизда ҳамоҳанг куй уйғонади. Инсонларнинг яна бир хусусияти бу – кўнгилнинг нозиклиги. Марғилон дўппиларида айнан ана шу хусусият акс эттирилган. Марғилон дўпписи тўрт каржли қилиб тайёрланади. Тепасига қалампирнусха ёки бодом шакли оқ ип ёки ипак билан тикилади. Тайёр дўппининг тепаси кизагидан мурабба шаклида бўртиб чиқади. Кўп жиҳатдан Чуст дўпписига ўхшаш Марғилон дўпписи гуллари нисбатан ингичка ва узун қалампир шакли билан фарқланади. Қашқадарёда кенг урф бўлган дўппилардан бири– бу ироқи дўппидир. Ироқи дўппи кейинчалик бошқа вилоятларга ҳам тарқалиб, ҳар бир маҳаллий жойнинг ўзига хос безак усулида яратила бошланган. Дўппининг бу турида қашта, иплари суғурилиб тўр ҳолига келтирилган сурпа рангли ипак ёки ингичка толали пахта ипи билан ироқи(терма ва босма) чокда тикилади. Номи шунинг учун ҳам ироқи деб аталади. Тошкент ва Фарғона водийсида кенг тарқалган ироқи нусха дўппининг нақш мужассамоти ранг-баранг гулли новдалар, улар орасидаги яшил, кўк тусли қушлар шаклидан иборат. Тошкент ироқи дўпписида оқ заминга атиргуллар тўқ ва оч қизил ипакларда ёзув қўшиб тикилади. Қашқадарёнинг яхлит ипакдан тўқилган гилам дўпписи ҳам машҳур. Бу дўппининг нақши содда, гуллари марказга томон йўналган, қавиқ чоклари эса қовурғали юзани ҳосил қилади. Унга ранг-баранг ипак ипларда йўрма усулида кашта тикиб безатилган жияк тутилади. Дўппидўз чеварлар томонидан тикилган сетора дўпписини андижонлик йигитлар куёвтўра бўлганда кийишади. Сетора дўпписининг каштаси баҳор фаслида дарахтлардаги қийғос очилган гуллар каби чаппар уради. Гуллари нозик. Бироқ дўппи анча бақувват бўлиб, матоси қалин ва мустаҳкам. Устидан коса тўла сув қўйинг – букилмайди. Бу дўппида дўппидўз аёлларнинг йигит киши ҳақидаги тасаввурлари акс этган. Йигит кишининг қалби, хулқи ва тили-гулдек нозик, аммо ўзлари матонатли, бардошли, сабрли бўлишлари керак. Бироқ, бу эркакларнинг аёллардан фақат чидамлилиги билан фарқланади, деган фикрни англатмайди. Ана шу жиҳатдан Тошкент дўпписи кемтикни тўлдиради. Тошкентлик эркаклар тошканди дўппи кийишади. Тошканди дўпписи чуст дўппиларига қараганда саёзроқ, устки қисмида қалампиргулнинг нақши бор, учлари ҳам тиккароқ. Фарғона дўппи бош устига енгил қўндирилади. Қўқонда орқа, ён чеккасига қўндириб кийиб юрилади. Бу эса водийда дўппи кийиш ҳам санъат деган тушунчанинг мавжудлигидан дарак беради. Тошкентда дўппи тикка ва босиброқ кийилади. Дўппини бошқача қилиб кийишлар учрамайди. Дўппи асосан маросимларга, аксарият ҳолларда тўйларга кийилади. Тошкентда ҳам дўппи миллий удумнинг таркибий қисми деган тушунча сақланган, унга риоя этилади. Шу билан бирга дўппи гўзаллик ва ифтихор манбаи ҳамдир.

Тошканди дўппиларининг қалампиргули узун ва йўғон, гажаклари йўқ, учиям тиккароқ. У гулдан кўра кўпроқ бақувват иш қуролига ўхшайди. Бу шаклдар эркакларнинг ички руҳиятини очиб беради. Тошкентлик чеварлар ҳам ўз ижодларида йигитлар ҳақидаги тасаввур ва орзуларини – эр йигит тимсолини ифодалаганлар. Ўзбек миллий кийим ва буюмларига разм солган киши қалампир – бош гул, миллий тимсол эканига амин бўлади. Рўмолининг гули–қалампир, кўйлагининг гули – қалампир, сўзана-ю гилам, дастрўмолу белбог, бўғчалар, сандиғу мисгарлик идишлари қалампир нақши билан безалган. Ўзбек оилаларидаги яна бир одат, бу – уйининг турли жойларига–айвонга, эшикнинг устию дарвозаларнинг бурчагига, янги келин тушган уйнинг ойнасига қалампир шодалари осиб қўйилади. Нега? Чунки қадимдан ота-боболаримиз қалампирни кўз тегишидан, ҳасадли нигоҳлардан сақлайди, деб ишонишади. Бу тасаввур қадимги дин ва дунёқарашнинг синиқ парчалари холос. Аслида қалампир касаллик тарқатувчи микробларни ўлдириб, инсонларни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилиши тиббиётда исботланган. Шарқда эса тиббиёт илмини бадиийлаштириш одат бўлган. Тиббий, ахлоқий-диний билим кўникма ва тасаввурларнинг афсонага йўғрилиши, бу шаклларнинг одамларга таъсир кучи зўрлиги билан изоҳланади. Янги ой ислом динида улуғланади. Дўппи ўзбекнинг қалб қўшиғи, дунёқараши, фалсафаси ва гўзаллик мезонлари акс этган тимсол. Халқ ҳаётида дўппи ўзбек халқининг миллий бирлигини кўрсатувчи , уларни бир-бири билан жипслаштирувчи, шу билан бирга тарбияловчи омилдир.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

СИНОВ ШАРТЛАРИДА ТОБЛАНИБ

Шифокорлик ҳақида сўз кетганда, ушбу касбнинг масъулияти, жавобгарлиги ўта юксак эканлиги биринчи бўлиб тилга олинади. Сир эмаски бу жавобгарлик инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли тиббиёт илми тинимсиз изланиш, ўқиб-ўрганишни талаб этади. Тажрибали, иқтидорли шифокорларнинг эл эътиборига тез тушиши ҳам бежиз эмас. Чунки ҳар бир бемор ҳаётини ўзи ишонган ҳакимгагина ишониб топширишни истайди.



Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий шифохоналарга ҳам кўплаб синов ва имтиҳонлардан ўтган маҳоратли тиббиёт ходимлари қабул қилинишидан хабардормиз. Шунингдек, уларнинг тажрибасини йилдан-йил ошириб боришга катта эътибор қаратилади. Вазирлик тизимида ҳар йили ўтказиладиган «Энг яхши қўшин врачи» ва «Энг яхши фельдшер» кўрик-танловлари ҳам ҳарбий шифокорларнинг касбий маҳоратини оширишга, ўз навбатида синовдан ўтказишга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир. Бу йил ҳам ушбу кўрик-танлов Қуролли Кучларимизда уч босқичда амалга оширилди. Дастлаб ҳарбий қисм тиббиёт ходимлари ўртасида етакчиликка эришган шифокорлар округ босқичига йўлланма олишди. Округ босқичи ғолиблари эса Мудофаа вазирлиги миқёсидаги танловда ўзаро куч синашдилар.

Ҳарбий шифокорлардан нафақат касбий маҳоратда юксаклик талаб этилади, балки улар ҳарбий либосга муносиб билим ва салоҳиятда ҳам устувор бўлиши лозим. Танлов шартлари айнан улар эгаллаши шарт бўлган бир қатор йўналишларга қаратилди.

– Округ совриндорлари бўлган беш нафар ҳарбий врач ва беш ҳарбий фельдшер етти йўналишдаги турли синовларда ўзаро беллашдилар, – дейди Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бошлиғининг муовини тиббий хизмат полковниги Орзуқул Нуруллаев. – Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тактик-махсус тайёргарлик, махсус тайёргарлик, Умумқўшин низомлари, ҳарбий топография, жисмоний тайёргарлик ҳамда оммавий қирғин қуролларидан сақланиш каби бир қатор синовларда улар билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Бу муросасиз беллашувдан шу нарса аён бўлдики, ҳарбий шифокорларимизнинг барчаси ҳам ҳарбий ва махсус билимларни мукаммал эгаллашга ҳаракат қилган. Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсам, аввало уларнинг касбий маҳоратини ошириш ва жанговар тайёргарликларини мукаммаллаштириш, ҳарбий тиббиёт хизмати шайлиги ва тезкорлигини юқори даражага етказиш, шахсий таркибнинг тиббий таъминотини янада ривожлантиришдан иборат. Бундай кўрик-танловлар албатта ҳар йили давом этади. Ватанига ва танлаган касбига муҳаббати юксак ҳарбий тиббиёт ходимларининг тажриба ва малакасини оширишга муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Биринчи ўринга муносиб бўлиш учун йигитлар астойдил ҳаракат қилишди. Сараларнинг сараси бўлишни ким ҳам истамайди, дейсиз. Чунки ғолибларга нафақат қимматбаҳо совғалар, балки бир қатор имтиёзлар ҳам мавжуд. Икки кун давом этган кўрик-танловнинг ҳар бир шарти амалиёт билан уйғунликда ўтказилди. Ўзаро беллашувларни Мудофаа вазирлиги тиббиёт бошқармаси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Азамат Акзамов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари одилона баҳолаб бордилар.

Мана, ва ниҳоят ғалвир сувдан кўтариладиган сўнгги палла ҳам етиб келди. Мудофаа вазирлиги «Энг яхши қўшин врачи» ғолиблигини Жанубий-ғарбий махсус округга қарашли ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи тиббий хизмат капитани Илҳом Амонов қўлга киритиб, диплом ва пул мукофоти билан бирга II тоифали мутахассис унвонига ҳам эга бўлди.

Марказий ҳарбий округдан шартнома бўйича хизмат оддий аскари Акромжон Қўчқоровга эса Мудофаа вазирлиги «Энг яхши фельдшер» ғолиблигини қўлга киритиш насиб этди. Унга диплом, пул мукофоти, III тоифали мутахассис ҳамда кичик сержант унвони тақдим этилди. Ушбу кўрик-танловнинг барча иштирокчилари синов шартларида тобланиб, билим ва маҳоратларини янада чархлаб олганларига ва албатта бу танлов уларнинг ҳаётида катта из қолдирганига шубҳа йўқ. Шунинг ўзи улар учун омад калити бўлса, ажабмас.

Зулфия НОСИРОВА.

ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ – ОМОНЛИГИМИЗДА

Инсон саломат бўлса, меҳнатида унум, ишида барака бўлади, албатта. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», деб эълон қилинганди. Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз тиббиётида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий поликлиникада амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовор.

–Инсон саломатлиги бебаҳо неъмат. Беморларга ширин муомалада бўлиш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш асосий бурч ва вазифамиздир. Марказий ҳарбий поликлиникамизда тиббий хизмат кўрсатаётган аксарият шифокор ва ҳамшираларимизнинг бой тажрибалари, малакаси амалий ишларимизда ўз самарасини кўрсатмоқда. Биргина тиббий лабораториянинг ўзида кунига 200 тагача анализлар олиниб, натижалари ўрганилади. Физиотерапия, рентгенология, стоматология бўлимларида ҳам иш қизғин. Бугунги кунда мазкур бўлимлар янги тиббий жиҳозлар, техник воситалар билан таъминланганлиги боис текшириш ва даволаш ишларида қийинчиликлар туғилмаяпти. Шунингдек, терапевт, жарроҳ, офтальмолог ва бошқалар, дорихона ҳам ҳарбийлар учун хизмат кўрсатмоқда. Ҳарбийларимизнинг мустаҳкам соғлиги юртимиз сарҳадларининг омонлигига асос бўлади, – дейди Марказий ҳарбий поликлиника бошлиғи офицер Зокиржон Худойберганов. – Мудофаа вазирлигининг тегишли буйруғи асосида бу йил икки мингга яқин ҳарбийларимиз тиббий кўрикдан ўтишди. Шифокорларимиз нафақат Тошкент ҳарбий округигагина эмас, балки махсус шифокори бўлмаган ҳарбий кафедраларга, истеъфодаги офицерларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам тиббий хизмат кўрсатади.

Биз фидойи шифокорлар билан ҳамсуҳбат бўлар эканмиз, улар аввало бу даргоҳда бутун умрини ва шижоатини сарфлаб, ҳарбийларга сидқидилдан хизмат кўрсатган моҳир кардиолог Юлия Самойлович, шифокор Людмила Воронцова, дерматолог Нина Балюба ва айни пайтда ҳам намунали фаолият юритаётган доришунос Евгения Дунаева, Алла Гросс ҳамда бошқаларнинг номини ифтихор билан тилга олишди. Улар ёшларга устоз ва ибратдирлар. Уларнинг тажриба мактабини ўтаган шифокорлардан Ҳамро Шукуров, Ирина Бондарева, Гулнора Қосимова, Малика Мирзамуҳамедова ва бошқалар қабулидан чиқаётганларни кузатсангиз, нигоҳларида мамнуният туйғусини илғайсиз. Ўз касбининг фидойилари учун бундан ортиқ мукофот бўлмаса керак.

–Марказий ҳарбий поликлиникамизда дорихонамизнинг ўз ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, барча ҳарбийлар ва ҳатто истеъфодаги офицерларга қадрдон бўлиб қолган Алла Гросс ва Евгения Дунаеваларнинг тажрибасини бошқа доришуносларга ҳам намуна сифатида кўрсатишга арзийди. Улар яқин 40-50 йиллик малакага эгадирлар. Бу даргоҳда улардан ўрганганларим менга ҳам ҳаётда ғоят қўл келмоқда, – дейди поликлиника бош ҳамшираси Маҳфуза Қурбонова. –Энг муҳими, дорихонадагиларнинг беморларга муносабатлари ўта самимий. Мен уларга қараб ширинсўзлик ва ишнинг кўзини билишлик қудрати чексизлигини ҳис этаман.

Ҳаёт ҳақиқати шундай. Истаймизми-йўқми, барчамизнинг шифокорларга ишимиз тушади. Уларнинг фикрини билгимиз, маслаҳатини олгимиз келади. Чунки шифокор маслаҳати ҳамиша муҳим. Тиббий кўрик ёки муолажадан сўнг улардан миннатдор бўлишимиз табиий. Улар саломатлигимизнинг тикланиши ва мустаҳкам бўлишида катта ўрин тутадилар. Шундай экан, юртимиз таянчи ва посбонлари бўлган ҳарбийларимизнинг саломатлиги йўлида жонфидолик қилаётган барча шифокор ва ҳамшираларга машаққатли ишларида куч-қувват ва шижоат тилаб қоламиз.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



«Новая стратегия» в Ираке

Президент США может объявить о «новой стратегии в Ираке» уже до конца нынешнего года, заявил пресс-секретарь главы Белого дома Тони Сноу. Пока же известно о том, что Буш планирует встретиться с партнером по коалиции британским премьер-министром для того, чтобы обсудить доклад, представленный ему накануне. Бушу необходимо сравнить данные доклада независимой комиссии по Ираку с документом из Объединенного штаба по национальной безопасности США.



Боевики тяжело ранили солдат

Во время похищения двух израильских солдат боевиками ливанской шиитской группировки «Хизбаллах» они были тяжело ранены. Об этом говорится в рассекреченном докладе израильских спецслужб. Экстремисты напали на израильский патруль вблизи ливано-израильской границы 12 июля и заявили о захвате в плен двух военнослужащих. Эта вылазка, сопровождавшаяся ракетными обстрелами, стала причиной крупномасштабных боевых действий в Южном Ливане, продолжавшихся 34 дня.



Новый глава Пентагона

Сенат США подавляющим числом голосов утвердил Роберта Гейтса на посту министра обороны. Как ожидается, 63-летний Роберт Гейтс вступит в должность 18 декабря, сообщает телекомпания BBC. Интересно, что накануне будущий глава оборонного ведомства признал поражение политики президента Джорджа Буша в Ираке, и такая поддержка сенаторов показательна.



Коидзуми не пускают в КНДР

Правительство Японии вряд ли позволит экс-премьеру Дзюнъитиро Коидзуми совершить визит в КНДР, чтобы добиться прорыва на буксующих переговорах по ядерной программе Пхеньяна. Такой визит в случае успеха может привести к еще большему падению уровня поддержки нынешнего премьера. По данным последних опросов общественного мнения, в декабре этот показатель и без того опустился почти на 8% по сравнению с минувшим ноябрем.



В Еврозону по общим правилам

Европейский центральный банк обратился к странам-кандидатам на присоединение к Еврозоне с посланием, в котором говорится, что если они хотят перейти на евро, то должны писать это слово правильно. Если желающие вступить в Еврозону Венгрия и Латвия не будут придерживаться этих правил, они могут быть лишены права на присоединение к Еврозоне.



Взрыв на заводе

В США в городе Милуоки (штат Висконсин) произошел взрыв на заводе. В результате три человека погибли, 46 получили ранения. Жизнь одного из пострадавших находится под угрозой, сообщает «Интерфакс». Взрыв разметал стоявшие на парковке автомобили, практически сравнял с землей здание склада, а выброшенные в воздух горящие обломки разлетелись на несколько кварталов. Пока основная версия происшедшего – несчастный случай.



Продвижение своего формата

Китай начинает массовое продвижение собственного формата DVD. При поддержке правительства ряд китайских производителей создали собственный видеоформат – EVD и даже представили линию новых видеоплееров. Таким образом китайцы надеются уменьшить свою зависимость от иностранных патентодержателей. С 2008 года китайские компании обещают полностью переключиться на выпуск EVD-плееров, сообщает AP.



Лечебная серенада

После десяти лет пребывания в коме пожилая китаянка очнулась. «В чувство» женщину привели любовные напевы мужа, с которым она вместе прожила полвека. Пробуждение немало удивило персонал госпиталя, сообщает «China Daily». 75-летний супруг с 1996 года, когда с женой случилось несчастье, ежедневно проводил долгие часы около ее кровати, напевая ей любовные песни собственного сочинения.

(www.NEWSru.com).

ВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ИДЕОЛОГИИ ТЕРРОРИЗМА

СТРЕМЛЕНИЕ К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ

Качество подготовки специалистов в Ташкентской объединенной технической школе (ОТШ) ОСО «Ватанпарвар» улучшается постоянно. Славная история у этой школы. Она была создана в 1939 году на базе курсов военно-учебного пункта. В то время эта учебная организация имела 3 учебных класса, автомобили ЗИС-5, ГАЗ-АА и готовила в год всего лишь около 200 специалистов.

Шли годы. Менялись техническое оснащение и учебные пособия, методы преподавания. Школа крепла новым опытом обучения и воспитания. Сегодня эта передовая учебная организация стала подлинным учебно-методическим центром, располагающим хорошей учебно-материальной и технической базой. Здесь немало учебных классов, лабораторий по программированному обучению, множество действующих стендов и макетов, есть спортзал, тир, курсантская столовая. Педагогический коллектив борется за присвоение ОТШ звания образцово-показательной школы.

Каждое утро спешат на занятия курсанты – будущие воины. И ОТШ словно превращается в воинское подразделение. Распорядок здесь действительно армейский. Перед началом занятий – построение на плацу и развод. Здесь ставятся задачи на учебный день. Звучат команды, и группы расходятся по учебным классам или же уходят в рейс, занимаясь практическим вождением автомобилей.

– Особое внимание обращается на повышение практической выучки курсантов, – рассказывает заместитель начальника ОТШ по учебно-воспитательной работе подполковник резерва А.Исмаилов, – на их умение водить машины в колонне. Курсанты получают здесь практику не только в вождении, но и в обнаружении и устранении неисправностей машин в полевых условиях, в проведении контрольных осмотров в пути и т.д.

В ОТШ большое внимание уделяется применению и внедрению в учебный процесс новых, более эффективных форм подготовки курсантов. Активными поборниками новых методов обучения являются преподаватели М.Кошман, У.Максудов, М.Эшев, В.Голощапов, мастера производственного обучения Е.Резиков, А.Петров, А.Кадыров и другие. Под их началом курсанты приобретают специальности водителя категорий В и С, а также становятся водителями-электромотористами и водителями-крановщиками.

В ОТШ идет реконструкция устаревших зданий, выделено помещение, где будет оборудован класс компьютерной подготовки. Большой объем работ выполнен на автодроме. Уже третий поток курсантов занимается стрелковой подготовкой.

Немалый вклад вносит школа и в развитие технических и прикладных видов спорта. В частности автомобильного, автомодельного. В почете у ребят – картинг, авторалли, курсантское многоборье.

– Сделано школой немало, – говорит заместитель председателя Ташкентского городского совета ОСО «Ватанпарвар» полковник в отставке Р.Салихов. – Но на этом педагогический коллектив не останавливается. Он стремится к дальнейшему улучшению воспитательной и организаторской деятельности в интересах подъема оборонно-массовой, учебной и спортивной работы. Постоянное стремление к совершенствованию – замечательная черта этого слаженного, дружного, работоспособного коллектива, умеющего привить курсантам любовь к своей будущей профессии. И выпускники ОТШ благодарят педагогов и наставников за их внимание и заботу в своих письмах.

Коллектив Ташкентской ОТШ на основе внедрения передовых приемов обучения и воспитания, хорошо налаженного соревнования, организованности, порядка, по-настоящему строгой воинской дисциплины добивается из года в год качественной подготовки специалистов для наших Вооруженных Сил. Выпускники ОТШ приходят, как правило, в армию хорошо подготовленными, с необходимыми для воина моральными качествами, психологической устойчивостью, что способствует дальнейшему укреплению безопасности и оборонной мощи нашей страны.

Сергей АЛЕКСАНДРОВ.

СТАТЬ ЧЕСТНЫМ С САМИМ СОБОЙ – ПЕРЕД БОГОМ, ДЛЯ ЛЮДЕЙ

(Продолжение.
Начало в предыдущем номере).

В моем сегодняшнем понимании – там, где большие деньги, там и грехи большие. У меня в этом нет сомнения. Так случилось и со мной. Безнаказанность привела к высокомерию, вседоступность – к излишествам. Случайные женщины, пьянки, наркотики. Для меня это становилось обыденностью. Дальше – больше. Стал участвовать в криминальных разборках и рэкетировании предпринимателей. Иногда, и не только ради куража, занимался угоном частных автомашин. Не бравирую ли я этой частью своего прошлого сегодня? Нет. Говорю об этом оттого, что и это – этап моей жизни.

Вся моя бесшабашная и безбожная жизнь закончилась в один день, когда я попал в больницу с острым приступом язвы желудка. Больница такое место, где собственная и чужая боль заставляет задуматься о многом. Задумался и я. Много думал о том, каким я был когда-то и кем стал в итоге. Думал и о том, счастлив ли я в свои молодые годы. Результат раздумий угнетал, доводя до исступленного понимания бессмысленного прожигания жизни. Однажды подумал о самоубийстве. Об этом я не хочу ни вспоминать, ни говорить.

Вы же знаете, что в тот период уже не было Советского Союза. Прошлая коммунистическая идеология подвергалась публичной критике и отторжению. У меня больше не было того, во что я верил бы сердцем и душой. Тезисы об обретенной узбеками независимости? Я и так считал себя независимым. Честно говоря, слушая разговоры о независимости разных народов, проживавших в республиках СССР, я не очень понимал, от какого ига нас освободили, развалив СССР. Хотел бы я возвращения СССР? Это может показаться странным, но после всего, что я пережил, особенно в последние годы, да. Точнее, хотел бы того, что похоже на то советское время. Тогда все было понятно, и жили дружно.

В один из дней 1997 года ко мне в больницу пришел близкий товарищ. Видя мое душевное состояние, он стал рассказывать об особенностях исламской религии. Подобные беседы продолжались примерно месяц. И я все больше и больше проникался мыслью начать новую жизнь и стать истинным мусульманином. Могу ли я сегодня назвать себя безгрешным? Конечно, нет. Слишком много ошибок уже совершил. Да, конечно, речь идет о годах, проведенных в ИДУ.

> ЭТО ПОТОМ ПРИХОДИТ ОСОЗНАНИЕ, ЧТО МАЛО ЗНАТЬ АЛФАВИТ И УМЕТЬ МЕХАНИЧЕСКИ ЧИТАТЬ СТРОКИ КОРАНА. БЕЗ СПЕЦИАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ЯЗЫКУ СМЫСЛ ПРОЧИТАННОГО В КОРАНЕ ПОНИМАЕТ ОДИН ИЗ СТА.

После выписки из больницы стал посещать одну из ваххабитских хужр в г. Андижане. Да, конечно, подпольную. В ней проучился год. Моим учителем был Адахан К. Позже он же стал приближенным Тахира Юлдашева, заведовал финансовой частью ИДУ. Он погиб в Шакикхахе (Афганистан).

Скромный образ жизни, молитвы, и рассуждения об исламе. В те дни это удивляло моих близких, родных и знакомых. Они с трудом верили в перемены, происходящие со мной. Но я действительно изменился. Первой в это поверила моя мама. Это стало основой того, что она и младший братишка приняли ислам в той трактовке, в которой я им его преподнес, став их первым наставником. Где они сейчас? Мама отбывает срок тюремного заключения за антиконституционную деятельность. Братишка? Он тоже в тюрьме, отбывает срок за участие в боевой группировке. Они на моей совести. Мне становится горько на душе, когда я думаю о них.

Отец моему влиянию не поддался. Слишком сильна в нем «комсучья» (коммунистическая) закваска. Вы спрашиваете – не стыдно ли мне так отзываться о нем? Но правда есть правда. И какая разница, какими словами она оформлена. Тем более, я и свою приверженность пионерской и комсомольской идеологии в тот период жизни тоже называю именно так. Почему в моей лексике мелькают блатные слова? Я же говорил, что до принятия ислама вращался в криминальной среде. Был ли авторитетом? Нет. Я не лидер по складу характера. Кстати, никогда и не стремился к лидерству.

В один из дней 1998 года один из моих знакомых сказал мне, что в Чечне есть серьезное медресе (религиозная школа), куда принимают выходцев из Узбекистана. Дома я сообщил о том, что уезжаю в Россию, не уточняя родным, что конечный пункт моего пути – Чечня. Происходило это в 1998 году. Медресе оказалось лагерем для боевиков «Кавказ», который дислоцировался в окрестностях чеченского селения Автуры.

Там я и познакомился с арабом Хаттабом. Нас было примерно сто граждан Узбекистана – юноши и несколько взрослых мужчин. Глупцы? Или обманутые? Аллах нас всех рассудит.

Кто инструктора? Арабы. Они относились к нам с уважением. Правда, смотрели, как на младших братьев. Почему? Первая и главная причина, во всяком случае мне так кажется, – на арабском языке их предков написан священный Коран. Да и в Коране написано, не дословно, но примерно следующее: арабский язык – язык Корана. Отсюда и повальное увлечение арабским языком среди боевиков. Это потом приходит осознание, что мало знать алфавит и уметь механически читать строки Корана. Без специального обучения языку смысл прочитанного в Коране понимает один из ста, остальные просто читают, но корчат из себя знатоков.

(Продолжение следует).

Айдын ГУДАРЗИ.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

ВАТАННИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ҲАР БИР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ ШАРАФЛИ ВА МУҚАДДАС БУРЧИ!



Қуролли Кучлар фаолиятининг барча қирралари, авваламбор Ўзбекистон Республикасининг асосий Қонуни – мамлакатимиз Конституциясида, шунингдек, «Мудофаа тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади», дейилган.

Мустақил республикамизни ҳимоя қилиш бўйича фуқароларнинг мажбуриятлари, табиийки, мазкур ҳуқуқий меъёрлардан келиб чиқади. Ушбу ҳимоя ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, сиёсий ва дипломатик воситалар орқали амалга оширилади. Ҳар қандай босқинчига қақшатқич зарба бера олишга, халқимиз тинч ҳаётини бузишга ҳаракат қиладиган халқаро экстремистик кучларни бартараф этишга мамлакатимиз ва унинг Қуролли Кучларини ҳар томонлама тайёрлаш Мудофаа доктринасига мувофиқ олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – умумдавлат, умумхалқ иши, Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи ва вазифасидир. Конституциямизнинг 52-моддасида ёзилганидек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

«Мустақил Ватанимиз ва унинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш» тушунчаси нималарни ўз ичига олади? Бу, авваламбор:

мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан давлатимизнинг тинч-осуда ривожланишини таъминлашга қаратилган қатъий ва конструктив, сермулоҳазалик билан олиб борилаётган ташқи сиёсий фаолият;

мамлакатимиз мудофаа қобилияти иқтисодий базасини ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини компьютерлаштириш, транспорт ҳамда алоқа соҳасининг ривожланиши, агросаноат мажмуининг такомиллашуви;

давлатнинг демократик асосларини шакллантириш, ривожлантириш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш;

мамлакат фуқароларини, айниқса, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосида тарбиялаш, кўпмиллатли давлатимизда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш;

Қуролли Кучларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, янада такомиллаштириш, уни давлатимиз ва унинг ҳудудий яхлитлигини ишончли ҳимоя қилиш учун зарур воситалар билан таъминлашдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Хўш, бурч нима? Ҳарбий бурчнинг асосий моҳияти нимада?

Ҳарбий бурч, бу – ҳарбий хизматчиларнинг ўз мамлакатларини қуролли ҳимоя қилишдаги ахлоқий-ҳуқуқий мажбуриятларидир. Ҳарбий бурчнинг асосий моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (125 ва 126-моддалари) ва «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрир, 6-модда), шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкам таъминламоқда, тинчлик ва осойишталикни сақламоқда, Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиси – ўз мустақил Ватанининг қуролли ҳимоячисидир. Унинг ҳарбий бурчи ўз мустақил Ватанига, халқи ва Президентига чексиз садоқатли бўлиш, Ҳарбий қасамёдга, Умумҳарбий низомлар талабларига охиригача содиқ қолишдан иборат. Бу – интизомли, ростгўй, жасур, ҳушёр аскар бўлиш, душман устидан ғалаба йўлида ўз кучи ва ҳаётини аямаслик, командир ва бошлиқларга сўзсиз бўйсуниш, жанда уларни ҳимоя қилиш, Умумҳарбий низомлар талабларини ва ўз мажбуриятларини яхши билиш, уларни моҳирлик билан ва виждонан бажариш демакдир.

Ўз бурчи ва мажбуриятларини бажаришга лоқайд, совуққон муносабатда бўлган ҳарбий хизматчига нисбатан қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилади. Ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарликлари орасида жиноий жавобгарлик алоҳида ўрин эгаллайди. У жангчи томонидан Умумҳарбий низомлар ёки ҳарбий хизмат қонунлари талабларини бузиш натижасида келиб чиқади.

Ҳарбий хизматчининг жиноий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XXI–XXIV боблари, 279–302 моддаларида кўзда тутилган. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қилинган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонунларни билмаслик ҳарбий хизматчини қонун олдидаги жавобгарликдан халос этмайди.

Жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият беқарор, мураккаб ва зиддиятли бўлиб турган ҳозирги шароитда ҳушёрлик ва жанговар шайликни ошириш масаласи мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун жуда муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида: «Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуриқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур»,– деб таъкидлаган эдилар.

Жанговар шайликни қандай тушунмоқ керак ва унинг асосини нималар ташкил этади?

Жанговар шайлик, бу – давлат ва Қуролли Кучларда ягона, яхлит бир тизимни ташкил этувчи тадбирлар комплекси бўлиб, қуйидагиларни кўзда тутади:

қисм ва бўлинмаларнинг шахсий таркиб, қурол-аслаҳа ва жанговар техника билан тўлиқ таъминланиши;

моддий воситалар зарурий захираларининг мавжудлиги;

қурол-яроғ ва техникани шай ҳолатда тутиш;

қўмондонлик кадрлари ва штабларнинг юқори оператив тайёргарлиги;

ҳарбий хизматчиларнинг юксак ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги;

жангчиларнинг мустаҳкам маънавий-руҳий тайёргарлиги ва уларнинг жисмонан чиниққанлиги ва чидамлилиги;

қисм ва бўлинмаларнинг жанговар уюшқоқлиги ҳамда барча турдаги қўшинлар ва куч тузилмаларининг пухталаштирилган ҳамкорликдаги ўзаро ҳаракатлари;

мустаҳкам ҳарбий интизом, уюшқоқлик ва низомий тартибот;

жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматни ҳушёрлик билан ўташ.

Жанговар шайликни ошириш, бу – вақтинчалик, мавсумий иш бўлмай, балки Қуролли Кучлар бутун шахсий таркибининг доимий, кундалик энг муҳим вазифасидир.

Юксак ва доимий жанговар шайликни таъминлашда жанговар шайликни оширишнинг зарурий чоралари ва йўллари катта аҳамият касб этади. Хўш, бу чоралар қайсилар?

Биринчидан, бу – армиянинг ташкилий тизимини ўз вақтида такомиллаштириш ҳамда уни янги ва энг янги техника асосида қайта қуроллантириш.

Иккинчидан, жанговар шайликни доимий ошириб боришда шахсий таркибнинг юқори касбий маҳорати, унинг қурол-яроғ ва жанговар техникани моҳирона эгаллаши муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, жанговар шайлик кўп жиҳатдан ҳарбий хизматчиларнинг ақлий салоҳияти, уларнинг саводхонлиги ва умумтаълим тайёргарлигига боғлиқ бўлиб, ўқув жараёни ана шулар асосида қурилади. Республика раҳбарияти, Мудофаа вазири жанговар тайёргарлик жараёнларининг интеллектуал даражасини ахборот ва компьютер технологиялари, замонавий фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда янада ошириш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Тўртинчидан, юксак жанговар шайлик шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига доимий эътибор қаратишни кўзда тутади. Машғулотлар, машқлар, учишлар, жанговар отишлар жараёнида ҳарбий хизматчиларда тўлиқ куч-қувват билан ҳаракат қилиш ва душманни кам йўқотишлар билан яксон қилишга эришиш маҳоратини шакллантириш.

Бешинчидан, ҳарбий интизом, уюшқоқлик ва ҳуқуқий тартиботни ҳар томонлама мустаҳкамлаш.

Ҳарбий интизомнинг аҳамияти нафақат жанговар шайлик вазифаларини ҳал қилишда, балки бутун ҳарбий хизматда жуда каттадир. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг армия сингари мураккаб ва масъулиятли бўғинида бажарувчанлик ва бўйсуниш алоҳида аҳамият касб этади. Уларсиз ҳарбий интизом бўлмайди. Бажарувчанлик барча ҳолатларда ҳам аниқ ва ўз вақтида, бўйсуниш эса – онгли равишда ва сўзсиз бўлмоғи лозим.

Биринчи. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳарбий интизомнинг муҳимлигини, унинг армия учун алоҳида аҳамиятини ва уни доимо мустаҳкамлаб бориш заруратини чуқур тушуниб олиши лозим. Интизом – бу қисм, бўлинма шахсий таркибининг ва ҳар бир ҳарбий хизматчининг жанговар ўқувдаги, ўқув-жанговар вазифаларни бажаришдаги муваффақиятлари пойдевори эканлигини яхши билиб олиши керак.

Ҳарбий интизом талабларини онгли равишда бажариш – бу унинг мустаҳкамлиги ва пухталиги асосидир.

Иккинчи. Ҳарбий интизом мустаҳкамлиги ҳарбий хизматни аниқ ва пухта ташкил қилиш, қисм ва бўлинмалардаги қатъий низомий тартибга боғлиқ. Ҳарбий хизматни ҳарбий низомлар талабларига қатъий мос равишда ташкил қилиш – аскарий ҳуқуқий тартиботнинг муҳим шартларидан биридир. Аскарий ҳуқуқий тартибот нима? Бу – Қуролли Кучлар ҳамда ҳарбий жамоаларда умумий ва ҳарбий қонунчилик меъёрлари асосида вужудга келаётган муносабатлар тизимидир. Аскарий ҳуқуқий тартибот ҳарбий хизматчилар интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Агар унга янада кенгроқ қарайдиган бўлсак, аскарий ҳуқуқий тартибот доимий жанговар шайликни таъминлашнинг энг муҳим ва зарурий шарти эканлиги яққол равшан бўлади. Бунда шуни таъкидлаймизки, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ҳарбий низомлар талабларига тўлиқ мос равишда, ижтимоий адолат, ўртоқларча ўзаро ёрдам, дўстлик асосларига қурилади.

Учинчи. Ҳарбий интизом мустаҳкамлиги ҳар бир ҳарбий хизматчининг қонунлар ва ҳарбий низомлар билан белгиланган тартиб ва қоидаларни билишига, шунингдек, ана шу тартиб ва қоидаларга ҳамда низомий интизом меъёрларига риоя қилишнинг мустаҳкам, ҳарбий хизмат мобайнида вужудга келган кўникмаларига боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, риоя қилиш қатъий ва аниқ бўлиши лозим. Тартиб-қоидалар, буйруқ ва фармойишларга қатъий ҳамда аниқ риоя қилиш – ҳарбий интизомнинг асосий моҳиятидир. Белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий ва аниқ риоя қилиш ғояси ҳар бир жангчи учун нафақат пухта билимга, шунингдек, эътиқод, унинг ички эҳтиёжига айланиши лозим.

Тўртинчи. Ҳарбий интизом мустаҳкамлигига ҳарбий жамоадаги соғлом маънавий муҳит, мустаҳкам аскарий ўртоқлик, шунингдек, жангчининг ҳаракатлари ва хулқ-атворига бутун ҳарбий жамоанинг талабчан муносабати, унинг ҳар бир жангчидан низомий тартиб ва барча учун баробар белгиланган интизом меъёрларига қатъий риоя қилиш талаби билан эришилади. Қонун, низомлар талаблари – барча учун мажбурий.

Буларнинг барчаси биргаликда мустаҳкам ҳарбий интизом, жангчиларнинг юксак жанговар шайлигини таъминлаш, минтақа ва умуман жаҳондаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш қобилияти каби сифатлар жамланган мустаҳкам пойдеворни ташкил қилади.

Ҳозирги замон шароитида юксак ҳушёрлик ва доимий жанговар шайликнинг аҳамияти ортиб бораётганидек, ҳарбий бурчнинг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Юксак ҳушёрлик ва доимий жанговар шайлик ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳаёти ва фаолиятининг қонуни бўлмоғи, у она Ватанимиз муқаддас сарҳадларини ишончли ҳимоя қилиш учун ҳамиша тайёр турмоғи, Ҳарбий қасамёди ва ҳарбий бурчига ҳамиша содиқ бўлмоғи, аскарий дўстлик ва ўртоқликни қадрлаши, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳани, ҳарбий мулк ва давлат мулкини кўз қорачиғидай асраши лозим.

Юксак ҳушёрлик ҳамда ҳар қандай босқинчига муносиб зарба беришга доимий шай туриш ҳарбий хизматчининг бурчи ва муқаддас мажбуриятидир. Жанговар шайлик – юксак, доимий ва ишончли, ҳарбий интизом – мустаҳкам бўлиши, мустақил Ватанимиз хавфсизлиги ва халқимиз манфаатларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

ЭСЛАТМА: Машғулот пайтида «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Истиқлолнинг буюк йўли», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари», «Февраль воқеалари», "Андижон воқеалари", "Қабоҳат йўли", «Ёвузлик тўри», «Ўлим сўқмоғи», "Надомат", "Фитна" сингари мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар намойиш этилиши мақсадга мувофиқ.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

«Биз 14 январь санасини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, айни вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган минг-минглаб навқирон фарзандларимизнинг қутлуғ байрами деб қабул қилишимиз, уни энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрами сингари юксак даражада нишонлашимиз лозим»,– деб таъкидлаган эдилар Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китобида.

Дарҳақиқат, бугунги кунда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини Ўзбекистон халқи она юртимизни ҳимоя қилишдек шарафли ишга умрини бағишлаган барча ҳарбийларимиз билан биргаликда нишонлайди. Нафақат пойтахтимиз Тошкентда, балки барча вилоятларда шу санага атаб тантанали тадбирлар ўтказилади. Бу байрам йилдан-йилга кенг тус олмоқда, мазмунан ва моҳиятан бойимоқда.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ишончли қалқони бўлмиш миллий армиямиз ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳарбий ислоҳотлар, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги навбатдаги вазифаларни белгилаб берар экан, жумладан шундай таъкидладилар: «Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг Қуролли Кучларни қайта ташкил қилиш ва ислоҳ этиш бўйича қабул қилган Давлат дастуримиз Марказий Осиё минтақасидаги шиддат билан ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ҳар томонлама чуқур таҳлилига, ҳудудимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва реал хатарларни ҳисобга олишга, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини кучайтиришга қаратилган, пухта ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишга асосланган.

Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни яхши тушунамиз. Халқаро терроризм, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия каби бало-қазолар мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун жиддий таҳдидга айланмоқда.

Бундай вазиятда барчамиз доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Бугун бу масала биз учун нафақат долзарб вазифа, балки давлатимиз ва жамиятимизнинг, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир».

Бугунги кунда ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, миллий истиқлол ғоясини ёш авлод, жумладан ҳарбий хизматчилар қалби ва тафаккурига чуқур сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш – ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти ва тараққиётимиз омили сифатида алоҳида эътиборга сазовор.

Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида:

тарбиявий ишларнинг асосий йўналишини – миллий истиқлол ғояси, халқимизнинг мустақиллик йўлидаги фидойилиги, Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллиги ҳимоясида Қуролли Кучларимизнинг тутган ўрни ва аҳамияти, ҳарбий ислоҳотлар самарасини тарғиб этишга, ҳарбий хизматчиларни миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол қатнашчисига айлантириш, шахсий таркибнинг маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини юксалтиришга, ҳарбий хизматчиларда Ватанимизнинг қуролли ҳимоячисига хос сифатларни мужассамлаштириш, армия ва халқ якдиллигини мустаҳкамлаш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқарув органлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизмат нуфузини оширишга қаратиш;

ҳарбий округлар, қисм ва муассасаларда Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 2006 йил 10 декабргача ташкилий қўмита (ишчи гуруҳлари) тузиш ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш;

байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларини ҳарбий округлар, қисм ва муассасалар, олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари офицерлари йиғилишларида, маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан ўтказиладиган қўшма мажлисларда муҳокама қилиш;

режага қуйидаги тадбирларни киритиш:

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказлари ҳамда маҳаллаларда 2006 йил 14 декабрдан 2007 йил 14 январгача ўтказиладиган оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойлигининг тантанали очилишига бағишланган маросимлар ташкил этиш;

13–14 декабрь кунлари «Ватанни ишончли ҳимоя қилиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг шарафли ва муқаддас бурчи!» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни;

22–23 декабрь кунлари «Мустаҳкам ҳарбий интизом – армия мудофаа салоҳиятининг асоси» мавзусида ҳуқуқий билимлар ягона куни ўтказиш;

ҳарбий қисмлар, олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, умумтаълим мактаблари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабларида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони И.А.Каримовнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китоби ва бошқа миллий армиямизнинг ташкил топиши ва шаклланиши, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти, ҳарбий ислоҳотларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари баён этилган асарлари ва нутқларини ўрганишни;

«Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни»;

«Ўзбекистон: жамият ва армия»;

«Ҳарбий ислоҳотлар – профессионал армиянинг асоси»;

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – ватанпарварлик ва мардлик мактаби»;

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – тинчлик ва барқарорлик кафолати»;

«Жанговар шайликни мустаҳкамлаш, касбий маҳоратни ошириш – Ўзбекистон жангчисининг бурчи»;

«Тинчлик ва осойишталик учун курашиш керак»;

«Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон»;

«Ҳушёрлик ва сергаклик – замон талаби»;

«Ҳозирги босқичда ватанпарварлик тарбияси ва чақириққача тайёргарликка қўйилаётган талаблар» мавзуларида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида давра суҳбатлари, мавзули кечалар ташкил этиш.

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиладиган оммавий ватанпарварлик ишлари ойлиги доирасида:

вилоятлар ва туманлар марказлари, шаҳарлар, маҳаллалар ва ҳарбий қисмларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тарихи, уни мамлакат ҳимояси ва ёшлар тарбиясида тутган ўрни ва аҳамияти бўйича суҳбатлар;

олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, умумтаълим мактаблари, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти мактабларида Ватан мукофоти билан мукофотланган, шунингдек, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайргарликда аъло натижаларга эришиб келаётган ҳарбий хизматчилар иштирокида жасорат дарслари;

ҳарбий округ ва гарнизонларда ёш офицерлар форумини;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда аскар оналари форумини ўтказиш;

давлат ва жамоат ташкилотлари, ота-оналардан иборат вакилларнинг ҳарбий қисм ва бўлинмаларга ташрифларини уюштириш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш йўлида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналари ва оила аъзолари ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

ҳарбий хизматчиларнинг фан ва маданият арбоблари,ёзувчилар, шоирлар, драматурглар таниқли санъаткорлар, кино ва театр артистлари билан учрашувларини;

гарнизон офицерлар уйлари, ҳарбий қисмлар клублари ва кутубхоналарида Ўзбекистон тариҳи, буюк аждодларимиз, Қуролли Кучларимизга бағишланган ва ҳарбий ватанпарварлик мавзуларидаги адабиётлар кўргазмасини;

давлат мукофотлари билан тақдирланган ва хизматда алоҳида ютуқларга эришган ҳарбий хизматчилар иштирокида маҳаллаларда «Ҳарбийлар маҳалла меҳмони» тадбирларини уюштириш;

меҳнат жамоалари, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар, умумтаълим мактабларида тантанали кечалар;

ҳарбий қисм ва муассасаларда "Энг ибратли ёш ҳарбий оила", "Намунали ҳарбий оила" танловини;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг бадиий ижодиёти Умумармия кўргазмасини ташкиллаштириш;

Мудофаа вазирлигининг мактабгача болалар муассасаларида:

«Бизнинг армия – бизнинг ҳимоячимиз» номли расмлар;

«Жарангдор овозлар» номли мусиқали танловларни ўтказиш;

ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий оркестрлари ва бадиий жамоаларининг маҳаллалар, олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, умумтаълим мактабларида чиқишларини;

ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, умумтаълим мактаблари, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти мактабларида ҳарбий-амалий спорт мусобақаларини;

ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисмлар ва муассасалар, шаҳарчалар ҳудудларида ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш, Ватанимиз мустақиллиги йўлида жон фидо этган юртдошларимиз ёдгорликлари ва қабрларини таъмирлаш, гулчамбарлар қўйиш;

ҳарбий қисм, бўлинма ва муассасаларда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Мен – ўзбек фарзандиман», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам», «Мустақиллик – халқимизнинг олий ютуғи», «Мен мустақилликка нима бердим», «Юрт дахлсизлигини сақлаш – муқаддас бурч», «Бу муқаддас замин – менинг Ватаним», «Шуҳратинг порласин, токи бор жаҳон» сингари мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, суҳбатлар, адабий кечалар ўтказиш;

ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасаларда «Энг яхши ижтимоий-сиёсий ахборот хонаси», «Энг яхши кутубхона», «Илғор китобхон», «Саф қўшиқлари», «Умумармия қўшиқлари фестивали», «Энг яхши аскарлар чойхонаси» кўрик-танловлари, спорт мусобақалари ўтказиш;

ҳарбий госпиталларда даволанаётган ҳарбий хизматчилар аҳволидан хабар олиш, уларни маънавий руҳлантириш ва байрам муносабати билан мубораквод этиш тавсия этилади.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек, Ватан ҳимоячилари куни – умумхалқ байрами. Ушбу байрамни жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак натижаларни қўлга киритган ҳолда муносиб кутиб олиш ҳамда юқори савияда, уюшқоқлик билан ва кўтаринки руҳда ўтказиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг шарафли бурчи ва вазифасидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.



ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Гўзаллик кимни қувнатмайди, дейсиз. Гўзал хулқ, гўзал чеҳра, гўзал хатти-ҳаракатлар... Гулнора Матёқубовада ташқи ва ички гўзаллик уйғунлашиб кетган. Болаликдан ҳарбий соҳага қизиққан қиз 9-синфни тугатгач, ҳарбий қисмга ишга кирди, ўқишини эса кечки мактабда давом эттирди, сўнгра Фарғонадаги радио-телеграфчилар мактабини тугатиб, шу ерда ишлай бошлади.

– Отам ҳарбий шифокор бўлганлиги боис мен ҳам у кишининг касбига меҳр қўйдим. Тиббиёт соҳасидан кетмасам-да, ҳарбийлик либосини кийдим. Бундан мудом ғурурланаман, – дейди Гулнора қувониб. – Онам ҳам ҳарбий хизматчи бўлиб ишлаганлар. Ота-онам изидан бориб, 2002 йилдан буён Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилаяпман.

Қаҳрамонимиз бўш вақтларини ҳам унумли ўтказишга, билимини бойитишга интилади. У бадиий адабиётлар мутолаасидан ташқари, спортнинг фитнес тури билан мунтазам шуғулланади, қисмда ўтказиладиган барча маданий тадбирларнинг фаол иштирокчиси.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10x15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

ПОЕЗД "САЛОМАТЛИК" В СУРХАНДАРЬЕ

Поезд здоровья «Саломатлик» прибыл в Сурхандарьинскую область. Он организован при сотрудничестве Комитета женщин Узбекистана, Международного благотворительного фонда «Соглом авлод учун», Министерства здравоохранения и ГАК «Узбекистон темир йуллари».

Группа квалифицированных врачей и специалистов, прибыв в экологически неблагополучные Сариасийский и Узунский районы, начала оказание квалифицированных медицинских услуг.

– Для формирования поезда «Саломатлик» были собраны необходимые медикаменты, продукты питания, – говорит руководитель группы М.Батырова. – В течение четырех дней более четырех тысяч больных пройдут медицинское обследование. Вместе с представителями местной власти будет также оказана гуманитарная помощь нуждающимся слоям населения.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
корр. УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Ҳассос шоир, юрт куйчиси Ориф Одилхоновнинг она юртни мадҳ этиб битган ушбу самимий сатрларида гўзал шаҳар ва қишлоқларимизнинг хушманзара табиати, саховатли тупроғи тафтини сезасиз. Унинг чиройи кўз ўнгингизда гавдаланар экан, беихтиёр қўшиқ куйлагингиз, қуйма сатрлар мавжига кўмилиб, қўшиқ куйлагингиз келади.

ДИЁРИМ МАДҲИ

Хушманзара тоғларинг олтинга кондир,
Шарбат тўла боғларинг ороми жондир,
Чўлларинг ҳам гулистон, гўзал бўстондир,
Олам ичра шуҳратинг-шонинг достондир.
Мадҳингга янгратай қўлдаги торим,
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!

Қуйлай яшил муаттар ўтлоқларингни,
Нурли шаҳар ва гўзал қишлоқларингни,
Шовуллаган сойларинг, булоқларингни,
Чорлаб турган яқину йироқларингни.
Мадҳингга янгратай қўлдаги торим,
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!

Саховатли тупроғинг меҳри жонимда,
Амударё, Сирдарё мавжи қонимда.
Ою йиллар мазмуни бахтли онимда.
Мадҳингга янгратай қўлдаги, торим,
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!

Баҳор атрин таратгай чаманзорларинг,
Чиройингга зеб бергай бунёдкорларинг,
Толе қучсин аҳдига вафодорларинг,
Мададкордир доимо дўсту ёрларинг.
Мадҳингга янгратай қўлдаги торим,
Ифтихорим, шавкатим, она диёрим!

Давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Қомусимиз 14 йилки ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига етакчилик қилиб келмоқда. У истиқболимиз учун белгиланган муродбахш дастуруламалдир. Эътиборингизга ҳавола этилаётган шеърларда ҳам Конституциямиз мадҳ этилади.

ҚОМУСИМ – ИСТИҚБОЛИМ!

Истиқлол қуёшин жонбахш нуридан,
Бир китоб яралди азиз, мукаррам.
Эзгулик ёғилар ҳар сўз дуридан,
Ҳар нодир сатрида ҳикмат мужассам.

Ҳуқуқ ва эркинлик, орзу-интилиш,
Инсон ҳаётининг мазмуни азал.
Қомусим барчасин мукаммал этмиш,
Элимга тутқазиб дастуруламал.

Адолат мезони эрур Қомусим,
Халқим иродаси, руҳи унда жам.
Шаъним, қадриятим, ору номусим,
Бурч ва мажбуриятим унда мужассам.

Бу бахтим қонуни – Қомусим эрур,
Мустақил Ватаним ҳаёт кўзгуси.
Унинг ҳар қатидан таралади нур,
Одил тамойили халқим орзуси.

Ҳатто самодаги ою юлдузлар,
Бир қонун измида собитдир абад
Инсонга сабоқдир бу ҳикмат тугал,
Қонун устувор юрт яшнагай албат.

Юксак мақсадларни кифтида тутган,
Улкан ютуқларнинг пойдевори У.
Бу ёруғ кунларни асрлар кутган,
Халқимнинг муроди, истиқболи У!

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ

Истиқлолга ёр
юртимнинг,
Адолат Қомуси бор.
Ҳар бандию, ҳар сатрида,
Одил қонун устувор.
Халқимизга чароғон йўл,
Эзгулик этган инъом.
Унинг нурли ғояси-ла,
Элим топган эхтиром.

Неча йилки азиз халқим,
Ардоғида яшар у.

Хумо куши макон топган,
Юртимга бериб ёғду.
Ҳалқпарвар шу
Қомус ила,
Юксалар эл иқболи.
У қадрият, аркинлигу,
Одил ҳаёт тимсоли.

Ҳақ-ҳуқуқинг сардори у,
Ҳаёт йўлига ошно.
Ўз бурчингни
англамоқни,

Таърифлаб берган аъло.
У зиёбахш Қомус эрур,
Бугун ва эртамизга.
Хуррият-офтобидан,
Нур теккан елкамизга.

Бу адолат китобида,
Инсонпарварлик яшар.
Унинг қонун хитобида,
Улуғлангайдир башар.
Яшар виждон эркинлиги,
Анъана, урф-одатлар.

Минг йилларки
пок сақланган,
Энг олий қадриятлар.
Адолатга асосланган,
У эзгулик булоғи.
Келажакка йўл кўрсатар,
Ҳақиқатнинг маёғи.
Унинг улуғ мақсадида,
Яшар шон, номусимиз.
Эл бахтига камарбаста,
Яшасин Қомусимиз!

Зулфия ЮНУСОВА.

ЎЗБЕКИСТОН

Кенгликларинг сари ошиқар дилим,
Тилимдан тушмагай мадҳинг она-юрт.
Мен сенинг энг жажжи булбулинг,
Осмонингда кўрмай ҳеч қора булут.

Сенинг мадҳинг куйламоқ бахтим,
Бағрингда баҳорман, кунларим ёруғ.
Сен иссиқ гўшамсан, сен менинг тахтим,
Сенсан энг улуғлар ичра энг улуғ.

Сенсиз шодон куним бўлмагай зинҳор,
Сенинг номинг билан уйғонгум саҳар.
Сен билан бахтлиман, мангу бахтиёр,
Ватан – онажоним, бебаҳо гавҳар!

Туғилган юрт тафти қайноқ, дейдилар,
Ўлгунча бағрига тортаверади.
Шунданми, меҳрингни туйганим ҳамон
Кўксимда ифтихор ортаверади,
Ватан – онажоним, Ўзбекистоним!

Дилнавоз ОРТИҚОВА,
Хоразм вилояти.

ҚУТЛУҒ ОСТОНАМ

Киндик қоним томган азиз тупроқ бу,
Ҳис этсам, вужудга солган титроқ бу,
Ҳаётим тимсоли яшил ўтлоқ бу,
Бу азиз Ватан бу, азиз Ватан бу!

Оёғим излари қолган остонам,
Боболарим руҳи ардоқли маскан,
Кўзимда порлаган дуру, инжа, шаън,
Бу азиз Ватан бу, азиз Ватан бу!

Довюрак Широқнинг жасоратида,
Жасур Темур Малик шижоатида,
Темурнинг имони, эътиқодида,
Бу азиз Ватан бу, азиз Ватан бу!

Халқим аллаланган мисли бир бешик,
Ватанфурушлар-чун ёпиқ, берк эшик,
Юракдан айтилган оташин битик,
Бу азиз Ватан бу, азиз Ватан бу!

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзМУ талабаси.

«УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ»



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам кенг нишонланмоқда. Мазкур қутлуғ санага бағишланган тадбирлардан бири Тошкент гарнизони офицерлар уйида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу маърифий тадбирга машҳур ёзувчи ва шоирлар, журналистларнинг таклиф этилгани эса унинг қизиқарли, сермазмун, юксак савияда ўтишини таъминлади, дейиш мумкин.

Офицерлар, сержантлар ва аскарларда, айниқса Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, таниқли журналист Жаббор Раззоқов, тарбиячи офицер Баҳром Ачилов, таниқли шоирлар Муҳаммад Исмоил, Тўлқин Ҳайитларнинг чиқишлари катта таассурот қолдирди. Ижодкорлар Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Бош Қомусимизнинг миллий давлатчилигимизни, халқимизнинг қадимий анъаналарини, қадриятларини ривожлантиришдаги, ҳимоя қилишдаги ўрни, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига, инсонпарварлик тамойилларига монандлиги ҳақида сўз юритдилар.

Ўзингизга маълум, ёзувчию шоирлар ҳар куни ҳарбий қисмга келавермайди. Шунинг учун посбонлар меҳмонларга бевосита адабиёт, ижод билан боғлиқ саволлар билан ҳам мурожаат этдилар. Бугунги ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари, келгуси ижодий режалар ҳақидаги қизиқарли суҳбатлар ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ.

Ашаддий китобсевар йигитлар «Улуғ салтанат», «Баҳорнинг сўнгги лоласи» каби севимли китобларига муаллифлардан дастхат ёздириб олишга-да имкон топдилар.

Тадбир сўнггида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ходимлари томонидан ҳарбий қисм кутубхонасига 800 минг сўмлик бадиий, тарихий адабиётлар топширилди. Офицерлар уйи бошлиғи офицер Олег Зокиров меҳмонларга дилдан суҳбатлари, ажойиб совғалари учун миннатдорчилик билдирди.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГИМН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В солнечном узбекистанском Гимне
С гордостью в словах отражено
Все, что было, есть и быть должно
На земле, в семье людей единой.
Как же он торжественно звучит,
О начале дня нам возвещая!
И какое сердце не дрожит,
Родину святыней называя?!
Знаем – независимость, свобода
Нами нелегко обретены –
Все что надо было для народа,
Значит и во благо всей страны.
Расцвела с тех пор Отчизна наша,
Не бывать такому и во сне.
Да, теперь она – богаче, краше,
В завтрашнем уверены мы дне!
Мы любовью к Родине пылаем,
Нам врагов потуги – нипочем.
Будущее светлое свое мы приближаем
Вдохновенным, творческим трудом.
И народ традициям далеким
Почести достойно воздает,
Как твердыня мира на Востоке
Верным курсом Родина идет!..
Есть у Гимна – добрые задатки,
Сила в нем могучая слышна.
Это значит – все у нас в порядке,
Так держать, любимая страна!

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ФЛАГ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Реет на флагштоке величаво
Флаг Отчизны нашей дорогой –
Символ независимой державы,
Символ мощи нации самой.
Флаг – как символ – живо отражает
Наши честь, надежды и мечты.
И особый вес приобретает
Значимость народной доброты...
Наш любимый Флаг – он узнаваем –
И ему альтернативы нет,
Мы его с восторгом поднимаем
В честь свершений наших и побед.
И народ под Флагом нашим – сила –
О себе он миру говорит:
«Нет того теперь, что раньше было».
Он как равный с равным говорит!
Как же Флагом нашим не гордиться,
Если носим мы его в сердцах.
В кишлаках ли, в городах, в столице
Реять Флагу Родины в веках!

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГЕРБ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Герб любимой Родины моей –
Символ независимой державы,
Символ чести, доблести и славы –
И на свете нет его милей,
Каждому из нас он – дорогой,
И всегда привыкли видеть все мы
Образ милой Родины живой
В лике государственной эмблемы.
Следует заметить, что гербами
Наши предки славились веками –
Вот, к примеру, герб для образца:
У Темура был он – «Три кольца»...
Герб как символ олицетворяет
Поступь, что у Родины тверда.
Кто наш друг – народ об этом знает,
Кто же враг – ответит без труда.
От реформ своих мы не отступим
И свершений темпы не сдадим –
Никому ни в чем мы не уступим,
Никому обидеть не дадим.
И с Гербом – в надежде нашей лучшей,
Следуя испытанным путем,
Мы в число держав земли могучих
С честью и достоинством войдем!

Николай БУРТЫШЕВ.

Кўнгилга ташриф

«САНЪАТКОР ДОИМ ЭЛ ХИЗМАТИДА»

«Баъзи санъаткорлар бўлади – улар тонг шабадаси янглиғ бир эсиб, япроқларни шитирлатиб, ҳеч қандай из қолдирмасдан ўтиб кетади. Яна бир тоифа санъаткорлар борки, баҳор осмонида чақиндек пайдо бўлади, чанқоқ дилларни гўё оби раҳмат билан суғоради, қалбга ором беради ва ўзидан кейин ҳам ёрқин из қолдиради. Халқимиз ундай санъаткорларни ҳамиша қўмсаб, ардоқлаб яшайди».

Абдулла ОРИПОВ



Ортиқ аканинг санъатига тан бермай иложимиз йўқ. Айниқса, унинг қўшиқларини ота-оналаримиз қайта-қайта тинглашса ҳам зерикишмайди. Қайтанга, «Сени ўстирган ота-онангга балли!», деб қўйишади. Шунинг учун мен ҳам ўзбекнинг ўзидай хокисор, танти ҳофизи, қўлига тушган созни сайратиб, шеърни яйратиб, булбулдек хониши билан юракларни ларзага соладиган Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, халқимизнинг севимли ҳофизи Ортиқ Отажонов билан суҳбат қилишга шайландим.

– Ортиқ ака ҳозирги кунларда нима билан бандсиз?

– Худо хоҳласа янаги йили январда 60 ёшга тўламан. Айни кунларда ижод билан, халқимизнинг яхши кунлари бўлмиш тўйлар, учрашувлар ва концертлар билан бандмиз. Санъаткор халқи нафақага чиқишни билмайди. Ҳар доим эл хизматида.

– Сизни нимагадир Тошкентдан топиш қийин, кўпроқ Хоразмда бўласиз чоғи?

–Оилада тўнғич фарзандман. Онажоним 82 ёшни қаршилаганлар. Сал бетоб бўлиб қолсалар, дарҳол мени чақириб оладилар. Онажонимнинг дуоларини олай, дея уларни кўргани ошиқаман. Бундан ташқари дўстларим, улфатларимнинг кўпи ҳам ўша ерда. Хоразмда боғдорчилик фермер хўжалигимиз бор. Унда тўрт-беш киши ишлайди. Назорат қилиб тураман. Бозор иқтисодиёти деганларидай, меҳнат қилиш керак.

– Санъатнинг нонини ейиш осонми?

– Жуда қийин. Олдин ҳам, ҳозир ҳам. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, уйқусиз тунлар керак. Мен доимо қўшиқларни жонли ижро этаман. Чунки мухлисларим шуни талаб қилишади. Мусиқачилар гуруҳи ҳам доимо ёнимда бўлиши керак.

– Ўғлингиз «Умр ўтар» қўшиғингизни эстрада йўналишида куйлади. Бунга бошқалар қандай муносабат билдиришди?

– Улуғбек эстрада йўналишида куйлашни хоҳлади. Унинг қўшиқларини ўзим кузатиб бораман. Кўпчилик эса «замонга мослаб айтибди-да» дейишди. Чунки унинг ҳам ўз мухлислари бор.

– Нимагадир Улуғбек анчадан буён ойнаи жаҳонда кўринмай қолди?

– Ўғлим ҳадеб ойнаи жаҳонга чиқаверишга, тез-тез концертлар беришга қизиқмайди. У сокин ижод қилади. Ўзининг студияси бор. Аслида ҳадеб телевизорга чиқавергани, концерт қўявергани билан хонанданинг обрўйи ошмайди. Санъаткор ўз овозини аввал ўзи эшитиши, хатосини англаши лозим. Улуғбекдан умидим катта. Чунки унда қобилият бор. Ҳамма мусиқа асбобларини чала олади.

– Эркаклардаги қайси хусусиятларни қадрлайсиз?

– Самимий инсонларни ёқтираман. Камчиликларингни юзингга айтиб, хурсанд бўлганида «раҳмат, қўшиғингизни эшитиб мазза қилдим», дейдиган эркакларни қадрлайман.

– Ҳаётда нималардан куюнасиз?

– Куюнадиган нарса йўқ. Ноҳақлик бўлмаса бўлди. Тинчлик бўлсин. Халқимизнинг яхши кунлари кўп бўлсин.

– Сизнинг шу даражага эришишингиз учун ким суянчиқ бўлган?

– Ота-онамнинг дуолари остида барча нарсага меҳнатим билан эришганман. Мабодо хато қилиб қўйсам, дарҳол тўғрилашга ҳаракат қиламан. Қолаверса, ҳаётнинг ўзи катта дарсхонадир.

– Шогирдларингиз кўп бўлса керак?

– Кимки мени устозим, деса ўша шогирдимдир.

– Бугунги хонандаларнинг кийимига, ўзини тутишига қандай баҳо берасиз?

– Асосан миллий йўналишда қўшиқ айтадиганларнинг кийинишлари ёқади. Чунки санъаткор нимаси биландир ажралиб туриши керак. Шарм-ҳаё билан, меъёрида кийинишни билиши керак. Мен гоҳо саҳнада қўшиқ айтаётганларнинг бир қилиғини тушунмайман. Қўшиқ айтаётиб, одамлар ўтирган жойга тушишади. Ёнида иккита тансоқчи. Куйлаётиб, онаси, отаси ёки танишлари билан кўришади. Бу қандай ҳолат? Шуни уйида ёки бошқа жойда қилса бўлмайдими? Тансоқчилар нимага керак? Нима, мухлис уларни бир нарса қилармиди? Камтарга камол – манманга завол, дейди донишмандлар. Айрим санъаткорлар онаси, отаси тирик бўла туриб ғалати қўшиқлар айтишади. Худди азадордек. Ундан кўра ота-оналар қувонадиган, халқни хурсандчиликка ундайдиган қўшиқ айт! Ҳиндларда яхши бир одат бор экан. Улар саҳнага чиқишдан олдин уни ўпиб, кейин чиқаркан. Чунки саҳнани муқаддас, деб билишади.

– Мухлисларингиз оилангиз ҳақида ҳам билишни истайдилар.

– Оиламиз соҳибаси Гулсара ҳамшира бўлган. Ҳозир нафақада. Қизларим Каромат – гинеколог, Хосият ҳозирча уй бекаси, Зокиржон – доира чалади. Фарзандларимнинг ҳаммаси олий маълумотлидир.

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Хонбиби МАҲАМОВА суҳбатлашди.

Театральный сезон

90 МИНУТ ПРАЗДНИКА И РАДОСТИ

Наверное, нет такого человека, который бы в детстве искренне не верил в существование сказочных персонажей и в новогодние чудеса.

Потому каждый из нас порой пытался быть похожим на того или иного положительного героя сказки, или уподоблялся ему в своих поступках и действиях. Даже сейчас, став совсем взрослыми, мы с умилением вспоминаем различные былины, басни и сказки, можем рассказать их наизусть. И все это в памяти осталось как неизгладимое впечатление на всю оставшуюся жизнь – это как праздник детства.

Именно такой настоящий праздник для детей-инвалидов устроили недавно актеры Театра музыкальной драмы (оперетты) постановкой нового премьерного спектакля «Кот в сапогах». Организовав небольшую выставку в стенах театра, пригласив юных танцоров перед началом спектакля, актеры привнесли больше радости и тепла в благодарные души преданных зрителей.

– Дети, приглашенные на этот спектакль, целых 90 минут находились в стране сказки, – признается исполнитель одной из главных ролей. – Для них Кот в сапогах – это не просто сказочный персонаж, а друг, который помогает хозяину в осуществлении его мечты и счастья. А для нас, актеров, этот спектакль вылился в праздник души.

Блеск в глазах, громкий и заливистый смех детей, трепет, волнение и радость родителей и актеров – вот, наверное, главное достижение этого спектакля.

Хочется вспомнить фразу из известного кинофильма «Алые паруса» о том, что чудеса надо делать своими руками. Думается, актерам театра удалось сделать чудо для своих юных зрителей.

Для тех, кто желает окунуться в мир сказки, проследите за афишей театра, сводите своих детей на встречу со сказкой и ее незабываемыми добрыми, яркими персонажами.

Эналида ТЯН.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

XV Азиатские игры

ЕСТЬ ЗОЛОТЫЕ НАГРАДЫ

На сегодняшний день узбекистанские спортсмены на XV Азиатских играх выступают в тринадцати видах спорта.

Наши пловцы, шахматисты, стрелки, гимнасты, штангисты уже завершили свои выступления. Продолжают упорную борьбу за медали Е.Левина, А.Исмаилова (настольный теннис), Д.Истомин, М.Иноятов, А.Омонмуродова, И.Туляганова (теннис), а также баскетболисты и игроки по ручному мячу. Первые бои выиграли наши армейские боксеры Орзубек Шаимов (54 кг), Баходир Султанов (57 кг), Бекзод Хидиров (60 кг), Дильшод Махмудов (64 кг), Эльшод Расулов (75 кг), Жасур Матчанов (91 кг) и вышли в следующий круг соревнований.

Четыре бронзовые медали завоевали на сегодня только дзюдоисты. Это Абдулла Тангриев, Уткир Курбанов, Шокир Муминов и рядовой по контракту Рамзиддин Саидов.

Когда верстался номер, пришло радостное сообщение: Руслан Наурзалиев – Владимир Черненко, Севара Ганиева – Зарина Ганиева по академической гребле на дистанции 1000 метров завоевали золотые медали.

Наш корр.

Футбол. Осиё ўйинлари – 2006

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА



Маълумки, айни кунларда Қатар мамлакати пойтахти Доха шаҳрида 15-Осиё ўйинлари қизғин давом этмоқда. Кўплаб спорт турлари бўйича мусобақаларда иштирок этаётган мамлакатимиз спортчилари ҳам совриндорлар сафидан ўрин олиш, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бутун маҳоратларини ишга солиб ҳаракат қилмоқдалар.

Жумладан, қитъа ўйинларида иштирок этаётган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ўз олдига юксак вазифаларни қўйган. Мақсад – имкон борича 1994 йилда Хиросима майдонларида қўлга киритилган ғалабани такрорлаш ёки, ҳеч бўлмаганда, финалга етиб бериш. Терма жамоамиз асосини бундан уч йил муқаддам ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида иштирок этган футболчилар ташкил этади. Улар бир жамоа сифатида кўп учрашувларда иштирок этишган ва анча шаклланиб улгуришган. Бундан ташқари, терма жамоа сафига С.Жепаров, Т.Копадзе ва А.Алиқулов сингари тажрибали футболчилар ҳам жалб этилганлиги жамоамиз имкониятларини янада оширган.

Қуръа натижаларига кўра, «ўлим гуруҳи» деб аталган «А» гуруҳидан жой олган футболчиларимизга биринчи босқичда майдон эгалари – Қатар терма жамоаси, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ҳамда Иордания футболчилари рақиб бўлишди.

Терма жамоамиз вакиллари биринчи учрашувни ўзларининг азалий принципиал рақибларидан бири саналган БАА терма жамоасига қарши ўтказишди. Ўйин футболчиларимизнинг катта устунлиги остида ўтди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Кўпдан бери ўз жамоаси (Москванинг «Торпедо» клуби) сафида ҳам, миллий терма жамоамиз ўйинларида ҳам гол киритолмай, танқид остига тушиб қолган А.Гейнрих ушбу ўйинда бор маҳоратини ишга солиб, рақиблар дарвозасига иккита тўп киритишга эришди. Бундан ташқари, Гейнрихнинг киритган учинчи тўпи ва М.Бикмаев томонидан урилган ажойиб гол кореялик ҳакамлар томонидан ҳисобга олинмади. Араб футболчилари фақат битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлишди ва ўйин 2:1 ҳисобида футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Вакилларимиз гуруҳдаги асосий учрашувни 2 декабрь куни Осиё ўйинлари мезбони- Қатар терма жамоасига қарши ўтказишди. Ўйин, кутилганидек, мураккаб ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Ўн минглаб мухлислар қўллаб-қувватлаши остида ҳаракат қилган майдон эгалари фақат ғалабага эришиш учун астойдил ҳаракат қилдилар ва бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмадилар. Футболчиларимизга қарши қилинган кўплаб қўполликлар, Э.Магдеев, С.Жепаров, А.Гейнрих, Т.Копадзе каби футболчиларимизнинг олган жароҳатлари бунга яққол далил бўлади. Барча қийинчиликларга қарамай майдонда дадил ҳаракат қилган футболчиларимиз қарши ҳужум тактикасини қўллашди ва рақиблари устидан чиройли ғалаба қозонишга муваффақ бўлишди. 67-дақиқада тиниб-тинчимас А.Гейнрих томонидан киритилган ягона тўп терма жамоамизга муҳим уч очкони келтирди ва гуруҳда 1-ўринни эгаллаш имконини яратди.

Барча масалага сўнгги – учинчи турда ойдинлик киритилди. Иордания футболчилари билан баҳс олиб борган вакилларимиз бу ўйинда ҳам ўз маҳоратларини ишга солиб, мухлисларни яна бир бор хурсанд қилишди. Учрашув дебютида ташаббусни ўз қўлига олган вакилларимиз кетма-кет ҳужумлар уюштиришди. 5-дақиқадаёқ И.Таран рақиб дарвозабони билан яккама-якка чиқиб, тўпни дарвозага аниқ йўллай олмади. 11-дақиқада эса А.Гейнрих жарима майдонига шиддат билан ёриб кириб, ҳимоячилардан бирини алдади ва тўпни дарвозанинг ўнг бурчагига аниқ йўллаб, ҳисобни очди – 1:0. Шундан сўнг ўйинчиларимиз бироз хотиржамликка берилиб, ўйин тизгинини қўлдан чиқара бошлашди. Бундан усталик билан фойдаланган иорданиялик футболчилар 35-дақиқада Ал-Сайфи томонидан киритилган гол натижасида ҳисобни тенглаштиришга эришишди. Биринчи бўлимда кўрсатилган бундай ўйиндан қониқмаган бош мураббий Р.Инилеев 2-бўлимда майдонга В.Денисов ва А.Ҳайдаровларни туширди. Бу ўзининг ижобий натижасини берди ва учрашувнинг қолган қисми тўлиқ ўзбекистонликлар устунлиги остида ўтди. 46-дақиқада В.Денисов ва 74-дақиқада С.Жепаров рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, жамоамизга муҳим ғалабани келтиришди – 3:1.

Ўтказилган гуруҳ учрашувлари натижаларига кўра, Жанубий Корея, Таиланд, Ўзбекистон, Хитой, Эрон, Корея Халқ Демократик Республикаси жамоалари ўз гуруҳларида 1-ўринни эгаллаган жамоа сифатида, Қатар ва Ироқ терма жамоалари эса 2-ўринни эгаллаганлар орасида энг яхши кўрсаткичга эришган жамоалар сифатида чорак финалга йўлланма олишди.

Чорак финал ўйинлари 9 декабрь куни бўлиб ўтади. Шу куни терма жамоамиз футболчилари Ироқ вакиллари билан ярим финал йўлланмаси учун баҳс олиб боришади. Бошқа жуфтликларда эса Таиланд – Қатар, Хитой – Эрон, Жанубий Корея – Корея Халқ Демократик Республикаси жамоалари ўзаро учрашадилар.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

«Муай-тай против наркомании»

ЛОКТЯМИ – К ПЬЕДЕСТАЛУ!

Если в обычной жизни работа локтями особо строптивых людей вызывает порой откровенное возмущение у общественности, то в муай-тай путь к пьедесталу чемпионы пробивают не только кулаками и ногами, но именно локтями и коленями. В столичном спортивном центре МХСК молодым поклонникам этого вида спорта уроки «мастер-класса» успешно преподают опытные наставники, действующие чемпионы мира.



При активной поддержке командования клуба именитому атлету капитану Бахтиеру Норову удалось собрать в спорткомплексе первую группу поклонников «тайского бокса», как иначе именуют муай-тай.

– В принципе больших различий между муай-таем, кикбоксингом и рукопашным боем нет, – говорит капитан Б. Норов. – Поэтому наши ребята выступают на соревнованиях по всем этим трем видам спортивных единоборств.

Дебют армейца Норова в качестве тренера получился вполне удачным. Его питомцы недавно успешно выступили на Открытом республиканском турнире под девизом: «Муай-тай против наркомании». Чемпионом в сверхтяжелом весе стал кандидат в мастера спорта Зухриддин Махсудов, серебряная награда в весе до 45 килограммов у Даврона Эшонходжаева, бронзовых медалей удостоились рядовой Джафар Сабиров (57 кг), Нурбол Гаппаров (91 кг) и Эльдар Салиев (свыше 91 кг). Если учесть, что, помимо узбекистанцев, в турнире приняли участие бойцы из Казахстана и Кыргызстана, то первые пять медалей питомцев молодого тренера, лишь недавно окончившего Узбекский государственный институт физической культуры и спорта, выглядят весомо.

В МХСК оборудован спортивный зал, для спортсменов имеется весь необходимый арсенал спортивных принадлежностей. Немало ответственности по подготовке спортсменов лежит и на плечах помощника капитана Б. Норова – тренера Хуршида Эшонходжаева.



– Меня сюда привел Хуршид-ака, за что ему хочется выразить искреннюю благодарность, – говорит Нурбол Гаппаров. – Конечно, еще многому предстоит научиться, чтобы стать мастером.

А вот рядовому спортивного взвода МХСК Джафару Сабирову вкус побед на большом ринге уже хорошо знаком. Этим летом уроженец древнего Самарканда успешно выступил на мировом чемпионате по кикбоксингу. Воспитанник тренера Фурката Муминова теперь постигает секреты муай-тая под началом опытных армейских наставников.

– 19 декабря в моем родном Самарканде состоится чемпионат Узбекистана, который станет отбором на чемпионат мира в Таиланде, –говорит Джафар. – Мне очень хочется стать дома чемпионом, чтобы завоевать право выступать на родине муай-тая за нашу национальную сборную. Сейчас все наши усилия направлены на это.

Для студента четвертого курса УзГИФК Хуршида Эшонходжаева эти состязания также станут серьезной проверкой его тренерской состоятельности. Впрочем, первым успешным опытом Хуршида является работа с младшим братом Давроном: тот в 15 лет стал мастером спорта и чемпионом страны в своем весе. Кстати, питомцы Х. Эшонходжаева могут гордиться и успехами самого наставника, который три года назад завоевал титул чемпиона мира в весе до 48 килограммов.

Для многих молодых ташкентцев, впервые переступивших порог клуба, муай-тай становится самым любимым занятием в жизни. И самое главное, – научившись пробиваться к победе локтями, эти парни ни в коем случае не применят свое искусство в обычной жизни. В этом и сила философии восточных единоборств – сильный боец всегда защитит слабого, но никогда не обидит.

Майор
Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. САФАРОВ, Ё. ҲАКИМОВ, Х. ЗАЙНИЛОВ, Ҳ. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Газета жума куни чиқади.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-3092. **Адади** 23200.